

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
“ХАЛҚАРО ТУРИЗМ” ФАКУЛЬТЕТИ

«_____» _____ 2015 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ
“Ўзбекистонда туристик хизматларни ташкил этиш ва сифатини
ошириш”(Ўзбектуризм МК материаллари мисолида)

Бажарди: _____

Илмий раҳбар: _____

Тошкент - 2015

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-БОБ.ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1.Ўзбекистонда туристик хизматлар ва унинг ривожлантиришнинг асосий жиҳатлари.....	9
1.2.Ўзбекистонда туристик маҳсулотни сифатини оширишда туристик ресурсларни тутган ўрни.....	13
1.3. Республика туризмни ривожлантиришда давлат томонидан таъсир этувчи омиллар.....	18
I Боб бўйича хулоса.....	23
2-БОБ. Республикада кўрсатилаётган туристик хизматларни иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили	26
2.1.Ўзбекистонда туристик хизматларни сифатини оширишда туроператор ва турагентлар фаолиятини таҳлили.....	32
2.2.Давлат томонидан ажратилган инвестицияларни замонавий туризмга йўналтириш усуллари.....	32
2.3.Республикада кўрсатилаётган туристик хизматларни иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....	36
2 Боб бўйича хулоса.....	42
3-БОБ. РЕСПУБЛИКАДА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	44
3.1.Ўзбекистонда туристик маҳсулотни сифатини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш.....	44
2.Ўзбекистонда туристик маҳсулотни сифатини оширишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш истикболлари.....	48
3 Боб бўйича хулоса.....	
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Кейинги ўн йилликда меҳмондўстлик соҳасида жуда катта ўзгаришларга эришилди ва бу соҳа жаҳондаги энг йирик ва юқори даромадли тармоқлардан бирига айланди. Бутунжаҳон туристик ташкилоти маълумотларига кўра, соҳага умумий инвестицияларнинг 7%, солиқ тушумларининг 5% ва жами хизматларнинг учдан бир қисми тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантириш борасида тўхталиб “2014 йил яқунлари бўйича мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми – 6,9 фоизга, капитал қурилиш ҳажми – 10,9 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми – 14,3 фоизга ўсди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшилган қийматли тайёр товарлар ташкил этди. Инфляция даражаси 6,1 фоизни ташкил этди, бу прогноздагидан анча пастдир. Давлат бюджети, солиқ юки 20,5 фоиздан 20,0 фоизгача камайгани ва фойдадан олинадиган солиқ ставкаси 9 фоиздан 8 фоизгача пасайгани ҳолда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилди. Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, бизнесни ташкил этишда "бир дарча" тамойилини жорий этиш, кичик бизнес субъектлари томонидан статистика ва солиқ ҳисоботлари тақдим этилиши механизмини соддалаштириш, хусусий тадбиркорларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланишини анча кенгайтириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 2000 йилдан бошланадиган даврда 31 фоиздан 56 фоизгача, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда эса – 12,9 фоиздан 31,1 фоизгача ўсди. Ялпи ички маҳсулот

таркибида хизматлар улуши 53 фоиздан 54 фоизгача кўпайди. Юқори технологик хизматлар жумласида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари энг жадал ривожланмоқда, бундай хизматлар охириги беш йилда 3,3 баравар, ўтган йилда эса 24,5 фоизга ўсди”¹ деб таъкидладилар.

Шуни таъкидлаш мумкинки, бундай натижаларга эришишда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилиш муҳим аҳамияти касб этди.

Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз. Энг муҳими, шуни унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.²

Хизматлар соҳасини риқожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан 2012 йил дебочасида белгиланган яна бир вазифа - Вазирлар Маҳкамасининг бир ой муддатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикасини 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси— Т.: Халқ сўзи, 16 январ 2015 й.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркорлиги аҳамиятга моликдир.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда нафақат миллий даражадаги макроиқтисодий масалалар, балки бошланғич тушунчалар ҳам алоҳида эътиборни талаб этади. Шунини аниқ айтиш мумкинки, ҳеч қандай раҳбар қорхона фаолиятини яхшилаш жараёнида муаммоларни мустақил ҳал этиш усуллари топиш ва қарорлар қабул қилиш имкониятини йўқотишни истамайди. Қарор қабул қилишда мустақиллигини йўқотиш раҳбар учун ўз обрўйини ва қорхонадаги ўрнини йўқотиш демакдир. Президентимизнинг маърузаларидан келиб чиққан ҳолда, шунини айтиб ўтишимиз керакки, республика ички туризмни ривожлантиришда кўрсатилаётган хизматлар жаҳон андозалари даражасидан анча пастлиги, инфратузилма яхши ривожланмаган вилоятларда меҳмонхонанинг тўлдирилиш коэффицентининг пастлиги ва замонавий телекоммуникация воситалари билан таъминланма-ганлиги, оптимал менежмент ва бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича чора тадбирларнинг етишмаслиги бу соҳани ривожлантиришда муаммоларнинг етарли эканлигини кўришимиз мумкин. Бунинг учун чет эл меҳмонхона бизнеси тажрибаларини ўрганиш ва республикамизга хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича чора тадбирларини жадаллаштириш зарур. Юқорида келтирилган муаммоларни ечишда илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсиялар бериш мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризм соҳасининг шаклланиши ва меҳмонхона соҳасини ривожланиши хусусида дунёнинг етакчи олимларидан Майк Ставенга, М.Ансофф, Р.М.Болмостор, ва бошқа кўплаб олимлар ўз илмий изланишларида атрафлича тўхталиб ўтишган. Шунингдек, Мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари олимларидан В.И.Азар, В.Кистанов, А.Ю.Александрова, Н.С.Бургаков, Агамирова Е.В, Балалова Е.И, Балашова Е, Биржаков М.Б, Богалдин-Малых В.В, Евланов Л.Г, Жуков А.А, Закорин Н.Д,

Кабушкин Н.И, Каурова О.В, Куркина К.А, Филлиповский Е.Е., Сорокина А.В, Савицкая Г.В, Чудновский А.Д, В.Ф.Молчанов, В.А.Честникова, И.Зорин, Ж.Козирев, А.Кондратьев ва бошқа кўплаб олимлар ўз илмий битирув малакавий ишларида туризм саноати самарадорлигини ошириш тўғрисида ўзларининг илмий-амалий фикр-мулоҳазаларини берганлар. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, А.Ф.Саидов, А.Абдувоҳидов, Г.Г.Назарова, Н.Тўхлиев, Б.Хусанбоев, Н.Абдусаломова, М.Шагатова, А.Норчаев, О.Х.Хамидов, Д.И.Абидова ва бошқа кўплаб олимлар ҳам ўзларининг илмий таклифлари билан замонавий туризм соҳасида иқтисодни ривожлантиришнинг назарий - амалий асосларини яратилишига муҳим ҳисса қўшишган.

Битирув малакавий ишининг мақсади – тўпланган назарий ва амалий материалларни умумлаштирган ҳолда Ўзбекистон республикасида туристик маҳсулотни сифатини ошириш такомиллаштириш ва бу борадаги муаммоларини тадқиқ қилиш.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

Ўзбекистонда туристик маҳсулот ва унинг ривожлантиришнинг асосий жиҳатлари;

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- Ўзбекистонда туристик маҳсулотни сифатини оширишда туристик ресурсларни тутган ўрни;
- Республика туризмни ривожлантиришда давлат томонидан таъсир этувчи омиллар;
- Ўзбекистонда туристик маҳсулотни сифатини оширишда
 - туроператор ва турагентлар фаолиятини таҳлили;
 - Давлат томонидан ажратилган инвестицияларни замонавий туризмга йўналтириш усуллари;

-Ўзбекистонда туристик маҳсулотни сифатини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлашда, хориж тажрибаларини қўллаш

- Туристтик маҳсулотни сифатини ошириш ва самарадорлигини ошириш истиқболлари;

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

Ўзбекистонда туристик маҳсулот ва унинг ривожлантиришнинг тамойиллари ва усуллари;

Ўзбекистонда туристик маҳсулотни сифатини оширишда туроператор ва турагентлар фаолиятини таҳлили;

Ўзбекистонда туристик маҳсулотни сифатини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлашда, хориж тажрибаларини қўллаш усуллари;

Туристтик маҳсулотни сифатини ошириш ва самарадорлигини ошириш истиқболлари.

Илмий янгилиги. Битирув малакавий ишининг натижаларининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда туристик маҳсулотни сифатини оширишнинг назарий услубий асослари;

- Ўзбекистонда туристик маҳсулотни сифатини оширишда туристик ресурсларни тутган ўрни;

- Ўзбекистонда туристик маҳсулотни сифатини оширишда

- туроператор ва турагентлар фаолиятини таҳлили услублари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот объекти –Ўзбекистондаги туристик соҳаси объектлари ва Ўзбектуризм Миллий Компанияси ҳисобланади;

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми.

Битирув малакавийиши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва кўрғазмавий материаллардан (расмлар, жадваллар) ташкил топган.

Битирув малакавий ишнинг биринчи боби “Ўзбекистонда туристик хизматларни ташкил этишнинг назарий услубий асослари” деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистонда туристик хизматлар ва унинг ривожлантиришнинг асосий жиҳатлари, шунингдек, Ўзбекистонда туристик хизматларни ташкил этишда амалга оширилган чора-тадбирлар тўлиқ ёритилган бўлиб Республикада туристик хизматларни ташкил этишда давлатнинг роли аниқ кўрсатилиб берилган.

Битирув малакавий ишнинг иккинчи боби “Республикада кўрсатилаётган туристик хизматларни иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили” деб номланиб, Ўзбекистонда туристик хизматларни сифатини оширишда туроператор ва турагентлар фаолиятини таҳлили берилган бўлиб давлат томонидан ажратилган инвестицияларни замонавий туризмга йўналтириш усуллари аниқ кўрсатилган.

Битирув малакавий ишнинг учинчи боби республикада туристик хизматларни ташкил этишни самарадорлигини ошириш деб номланган бўлиб, Ўзбекистонда туристик маҳсулотни сифатини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш ва Ўзбекистонда туристик маҳсулотни сифатини оширишни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишни истиқболли йўллари таклиф этилган.

1-БОБ.ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистонда туристик хизматлар ва унинг ривожлантиришнинг асосий жиҳатлари.

Туристтик хизмат(турист учун маҳсулот) - туризм жараёнида туристнинг эҳтиёжини қондириш учун камида иккита туристик хизматлар (ишлар, товарлар)дан ташкил топган хизматлар мажмуасидир. Туристтик маҳсулот (турпакет) барча кўрсатилган хизматлар ва харажатларни ўз ичига олган нарх бўйича таклиф этилади, унинг истемол хусусиятлари эса шартнома шартларида кўрсатилади. Агар туристик хизматлар кўрсатиш жараёнини кузатадиган бўлсак, унда туризм ташкилотчилари айнан хизмат кўрсатиш билан шуғулланмайдилар, балки улар туристларнинг эҳтиёжларига қараб туристик хизматларни фақат жамлайдилар ва уларнинг комбинатцияларини тузадилар, банд қиладилар, бунинг звазига ўз фоизларини оладилар. Шундай қилиб, туризм ташкилотчилари туристлар ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида воситачилик вазифасини ўтайдилар. Туризм ташкилотчилари нима билан савдо қиладилар ва туристик йўлланма ёки ваучерни харид қилган турист бевосита нимага эга бўлади, - деган савол туғилади. Агар ушбу жараённи диққат билан ўрганилса, унда турист ушбу йўлланма ёки ҳужжатнинг бошқа тури эвазига келажакда туристик хизматдан (ўрнатилган муддатда) фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу ҳолда туристик маҳсулотнинг янги таърифи пайдо бўлади: туристик маҳсулот - турга бўлган ҳуқуқдир. Жараённинг табиийлиги бўйича баҳслашиб бўлмайди, гарчи бундай таъриф бошқа жараёнларни, хусусан сертификатциялашни боши берк кўчага олиб келади. Қонун бўйича туристик маҳсулот сертификатцияланиши лозим ҳуқуқни сертификатциялашга ҳали ҳеч ким ўрганмаган, зеро туристнинг турга бўлган ҳуқуқи - унинг истак - хоҳиши маъносида - турга борадими ёки бормайдими, пакетдан тўлалигича ёки бир

кисмидан фойдаланадими, рад этадими, сотадими ва хоказо. Албатта, баъзи транспортчилар бу фикрга ҳали етиб келишганича йўқ. Балки шуниси тўрғидир, чунки ҳуқуқнинг барча қонун - қоидалари бўйича - чипта йўловчи ва уни ташувчи ўртасидаги шартноманинг мажудлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, ундан (чипта ва шартномадан) йўлга чиқиш ҳуқуқи келиб чиқади. Туристик маҳсулотга турга бўлган мавжуд ҳуқуқни бериш унинг мазмунини торайтиради ва унинг табиий ва ҳуқуқий табиатига зиддир. Шундай қилиб, «туристик маҳсулот турга бўлган ҳуқуқ» ўзининг ички табиати бўйича тор маъно касб этади, чунки уни ташкил этувчи мураккаб пакетдаги муносабатларнинг фақат озгина қисмини таърифлайди. Бироқ Рим ҳуқуқшунослиги манбаларида қоида мавжуд - қонун ёмон, лекин у қонун қонунни ҳурматлаш ва унга риоя қилиш керак ва шу сабабли расмий жиҳатдан туристик маҳсулот - турга бўлган ҳуқудир. Ўзининг жисмоний моҳияти бўйича хизматлар, ишлар ва товарлар ва сертификациялаш, яъни сифат муносиблигини баҳолаш мажмуасига ҳуқуқ эмас, балки аниқ хизматлар, ишлар ва товарлар лозимдир. Тур - бу аниқ тавсифлар, географик йўналиш ва маълум вақт оралиғида уни ўтиш тартиби, хизматлар кўрсатиш муддати таркиби ва сифати, туризм ташкилотчиси томонидан мақсадга йўналтирилган ва тартибга солинган керакли ва етарли туристик хизматлар, ишлар, товарлар, туристик маҳсулотларнинг тўплами бўлиб, улар энг камида туристик маҳсулотнинг иккита турли таркиби (масалан, жойлаштириш ва ташиш)ни ўз ичига олган бўлади. Туризм соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш, туристик хизматлар инфратузилмаларини шакллантиришга кўмаклашиш;

- Туризмни ривожлантириш давлат дастурларини, туристларнинг муҳофаза қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш, туристик фаолиятни тармоқлараро ва минтақалараро мувофиқлаштириш;
- Туристик хизматларни сертификатлаштириш;
- Туризм соҳасида реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;

- Туризмни ривожлантириш соҳасига хорижий кредитлар ва инвестицияларни жалб этиш, хорижий мамлакатлар, шунингдек хорижий компаниялар билан ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастурларини ривожлантириш;

Туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш, туризм тармоқ фанини ривожлантиришга кўмаклашиш. Бундай давлатларга молиялаштириш ўта сахийлик билан, узоқ муддатга ва фоизлар нуқтаи назаридан имтиёзли шартларда амалга оширилади. Аммо бунинг салбий томони ҳам борки, бу инвесторларнинг ўз шартларини қўйишлари ва уларнинг бажарилишини талаб қилишларидан, уларга қарамлик юзага келишидан ва ҳоказолардан иборат. Сармоялашнинг усул ва шакллари турлича бўлиши мумкин. Республика ҳудудида 25 минг ўрндан ортиқ сиғимга эга 500 дан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари фаолият кўрсатмоқда:

- Охирги 6 йилда 7 мингдан ортиқ ўринга мўлжалланган 200 дан ортиқ ўрта ва кичик хусусий меҳмонхоналар ишга туширилди;
- Фаолияти асосан чет эллик туристларни жалб этиш ва уларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган 506 та туристик компаниялар фаолият юритиб келмоқда;
- Миллий ўтмишни ва маданий меросимизни акс эттирувчи сувенир маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган 500 дан ортиқ хунармандчилик корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда;
- Республика ҳудудида 25 минг ўрндан ортиқ сиғимга эга 500 дан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари фаолият кўрсатмоқда;
- Охирги 6 йилда 7 мингдан ортиқ ўринга мўлжалланган 200 дан ортиқ ўрта ва кичик хусусий меҳмонхоналар ишга туширилди;

- Фаолияти асосан чет эллик туристларни жалб этиш ва уларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган 506 та туристик компаниялар фаолият юритиб келмоқда;
- Миллий ўтмишни ва маданий меросимизни акс эттирувчи сувенир маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган 500 дан ортиқ хунармандчилик корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда.

2013 йил 18 январдаги давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларидан келиб чиқиб, “Ўзбектуризм” миллий компанияси томонидан қуйидаги чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди:

- Туризм соҳасида давлат бошқарувининг меъёрий-ҳуқуқий базаси ва механизмларини янада такомиллаштириш;
- Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли”да туризмни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича Бутунжаҳон туризм ташкилотининг ҳудудий офисининг ишини йўлга қўйиш ва самарали юритилишини таъминлаш.
- Хоразм вилоятининг туризм соҳасини ривожлантириш дастури асосида мамлакатнинг бошқа ҳудудлари учун шу каби дастурлар ишлаб чиқиш;
- ички туризм имкониятларини тарғиб қилиш мақсадида ички туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- Туризм инфратузилмасини яратишга сармояларни, шу жумладан хорижий сармояларни жалб қилиш.

1.2. Ўзбекистонда туристик хизматларни ташкил этишда амалга оширилган чора-тадбирлар

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида туризмнинг замонавий моделини шакллантириш жараёни амалга оширилмоқда. Ушбу моделда таъкидланишича, мамлакатда ривожлантирилаётган туристик бозор бошқа ҳар қандай бозорлар каби мамлакатнинг ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий вазиятига таъсир кўрсатади. У мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда инвестиция ва капитал оқимини таъминлаш даражаларини аниқлашда муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Маълумки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, асосан, хусусий ва тижорат компаниялари туристларга хизмат кўрсатади. Бироқ, ҳар қандай шароитда ҳам давлат оптимал иқтисодий ва ҳуқуқий заминни яратган тақдирдагина туризм ривожланиши мумкин. Агарда давлат касбий тайёгарлик масалалари, табиий ва маданий муҳитни муҳофаза этиш, ахборот-реклама ишлари ва расмиятчиликни соддалаштириш кабилар билан шуғулланмаса, у ҳолда туризм кутилганидек ривожланиш даражасига эриша олмайди. Бунда давлат томонидан туризмни ривожлантириш, туристик хизматлар бозорини шакллантириш, иқтисодий тартибга солиш усуллари ва ричаглари қайта ислоҳ этиш, туризмни ташкилий бошқарув структураларини такомиллаштириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш ва энг асосийси, хорижий инвестицияларни жалб қилиш кабиларга тегишли услубий ва амалий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан замонавий туризмни шакллантириш ва ривожлантириш устувор масалага айланди. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида замонавий туризм инфратузилмасини ривожланишини бешта босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич. Ушбу босқич Республикамизда замонавий туризмнинг дастлабки шакллантирилиши билан характерланади. Бу босқичда туризм

инфратузилмасида етакчи ҳисобланган “Ўзбектуризм” миллий компаниясига асос солинди.

Иккинчи босқич. Бунда туризмнинг замонавий ривожланиш модели ишлаб чиқилди. Ушбу босқич туристик хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ошиб бориши билан биргаликда янги туристик йўналишларни ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатишни яхшилаш, туризмнинг моддий-техник базасини кенгайтириш, бошқарувнинг ташкилий структурасини такомиллаштириш ва бошқа шу кабилар билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларни юзага келтирдик, уларни фақатгина “Ўзбектуризм” миллий компанияси доирасида ҳал этиш имкони бўлмай қолди. Компания туристик операторлар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш мақсадида Германия (Франкфурт-Майн), Буюк Британия (Лондон), АҚШ (Нью-Йорк), Бирлашган Араб Амирликлари (Шаржа) ва Россия (Москва) каби мамлакатларда ўзининг ваколатхоналарини очди.

Учинчи босқич. Бунда туристик хизматлар соҳасида хусусийлаштириш жараёни бошланди. 1996 йилнинг бошларида “Ўзбектуризм” миллий компанияси тизимидаги туристик объектлар умумий миқдорининг 90 фоизига яқини давлат тасарруфидан чиқарилди.

Тўртинчи босқич. Кўплаб мутахассисларнинг баҳолашларича, бу босқичда экспорт салоҳиятини ошириш, валюта, туристлар, хусусий ва инвестицияларни барқарор оқимини таъминлаш учун имконият яратилди. Республикада замонавий туризмни жаҳон андозалари даражасида шакллантириш, туризмга билвосита тегишли бўлган хизмат кўрсатиш инфратузилмасини, хусусан, туристларни хориждан кутиб оладиган чегара, божхона ва аэропорт хизматларини қайта шакллантириш бошланди.

Бешинчи босқич. Ушбу босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризмни ривожлантиришнинг давлат дастури тўғрисида”ги Фармони нафақат мамлакатдаги замонавий ва халқаро туризмни тўтган ўрнини мустаҳкамлаш учун сиёсий асосни шакллантирди, балки унинг иқтисодий

асосларини мустақкамлаш имкониятини берди. Ушбу меъёрий ҳужжат асосида туристик корхоналарга қўшимча бож имтиёзлари берилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналарида туризм бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Ушбу йилнинг август ойида мамлакат Парламентида “Туризм тўғрисида” ги қонун қабул қилинди ва бунинг натижасида туризм соҳасини фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди³. 2013 йил 26 феврал куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида миллий иқтисодиётимизнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган ҳамда Ўзбекистон халқларининг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб қилиш воситаси ҳисобланган туризмни ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари талабларини бажаришнинг боришини таҳлил этиш ва холис баҳолаш мақсадида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ташаббуси билан ўтказилди⁴. Шу нарса таъкидландики, бугунги кунда мамлакатимиз ҳамда хориждаги экспертлар туризмни ривожлантириш борасида Ўзбекистон битмас-туганмас салоҳиятга эга эканлигини эътироф этмоқдалар. Республикамиз ҳудудида турли даврларга ва тамаддунларга тааллуқли 4 мингдан зиёд меъморчилик ва санъат ёдгорликлари мавжуд бўлиб, улардан кўпи ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Мазкур тармоқдаги ишларнинг аҳволини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, мамлакатимиз мустақиллиги йилларида туризм соҳасини тартибга солиш ҳамда иқтисодиётнинг туристик салоҳиятини изчил ривожлантириш учун зарур бўлган қонунчилик, норматив-ҳуқуқий база яратилган. Маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, мамлакатимиз минтақаларида кўрсатиладиган туристик

³ Файзиёва Ш. Р. “Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш” Тошкент, 2006 й. Магистрлик диссертацияси.

⁴ Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг раиси Ф.Ризаев берган ахбороти. 26.02.2013 й

хизматлар сифатини ошириш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Туризм аҳоли бандлигини таъминлаш ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим манбаига айланмоқда. Шу билан бирга, депутатлар ўтказган назорат-таҳлил ишларининг яқунларига кўра, туризм соҳасини янада ривожлантириш бўйича бир қатор фойдаланилмаган имкониятлар аниқланди. Чунончи, саёҳатчилар оқимининг асосий қисми ҳамон Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига тўғри келмоқда. Мамлакатимизнинг бир қатор истиқболли минтақаларида инфратузилмани изчил ривожлантиришга етарли даражада эътибор қаратилмаётир. Туризмнинг таълим, илмий, экологик, спорт-соғломлаштириш туризми каби турларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарур. Кўрсатилаётган сервис хизматларининг сифатини, саёҳатчиларни жалб этишнинг замонавий самарали шакл ва усулларидан фойдаланишни, миллий туристик индустрияга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасидаги ишларни ҳам яхшилаш лозим. Ўз чиқишларида депутатлар ички туризмни, шу жумладан ёшлар туризмининг ташкил этиш ва ривожлантириш, чунончи, мактаблар, коллежлар ҳамда лицейлар ўқувчиларининг саёҳат йўналишлари дастурларини ғоявий, мазмунан бойитиш, ўзбек халқининг маданий мерос объектлари тарихи ва аҳамиятини тушунтирувчи материалларни тайёрлаш бўйича ишларни кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги масалаларни кўтардилар. Шу туфайли ҳам депутатлар туризм соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларининг қоидаларини янада такомиллаштириш зарурлигини, жумладан, 1999 йилда қабул қилинган “Туризм тўғрисида”ги қонунга халқаро ва миллий туристик бозорда, халқаро ҳуқуқни тартибга солиш соҳасида юз берган сифат ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда, ўзгартишлар киритиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Ҳозирги вақтда туристик фаолият жуда кўплаб ҳавола этувчи нормалардан иборат бўлган мазкур қонундан ташқари, тизимлаштириш ва кодификация қилишни талаб қилувчи 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам

тартибга солинади. Депутатларнинг фикрига кўра, туризм соҳасидаги ягона давлат сиёсати асосларини ишлаб чиқиш, бу соҳага чет эл кредитлари ва инвестицияларини жалб этиш, шунингдек, туризмни янада ривожлантиришнинг узоқ муддатли Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мамлакатимизнинг туристик индустрияси рақобатдошлигини оширишга кўмаклашган бўлар эди. Мазкур Давлат дастурида туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш, туристик маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектлари учун иқтисодий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, фуқароларни маърифий, маънавий-ахлоқий тарбиялаш ҳамда ёшларда ўз Ватанидан фахрланиш, миллий тарихимиз, маданиятимиз ва халқ анъаналарига чуқур ҳурмат туйғусини шакллантиришга оид ишларда туристик фаолият салоҳиятидан фойдаланиш борасида кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, туризмни ривожлантиришга оид минтақавий дастурларни сифатли ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда жойларда тегишли инфратузилмани шакллантиришни таъминлаш, туризм соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда он-лайн бронлаштириш, ахборот маълумотнома, саёҳатчиларни ахборотлардан хабардор қилиш миллий тизимларини яратиш борасида кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилди. Депутатлар туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизими самарадорлигини ошириш зарурлигини, бу соҳадаги кадрлар замонавий менежмент, маъмурий-тижорат ишбилармонлиги усулларида хабардор бўлиши, шунингдек, ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кунини, мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар ҳақидаги ишончли ахборотни чет эллик ҳамда Ватанимиздаги саёҳатчиларга тўлиқ етказа олиш кўникмаларига эга бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Парламент эшитуви якунларига кўра,

депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қарорини қабул қилдилар.

1.3. Республикада туристик хизматларни ташкил этишда давлатнинг роли

Туризм - иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган йирик тармоқларидан. Айти пайтда, мазкур тармоқ дунё мамлакатлари ва халқларининг маданият соҳасидаги амалий мулоқотида ўзига хос робита вазифасини ўтамоқда. Жаҳон сайёҳлик саноатида туризмдан тушаётган даромад автомобиль ишлаб чиқариш, нефть ва газ саноатидан кейин учинчи ўринда туради. Ўзбекистонда ушбу соҳани ривожлантиришнинг айрим кўрсаткичлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, мамлакатимизга 2013 йилда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан сайёҳлар ташриф буюрди ва уларнинг йиллик сони 2 миллиондан ошди. Ўтган икки йил мобайнида бу кўрсаткич 43 фоиз ўсди, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 1 миллиондан ортиқ чет эллик сайёҳ юртимизга ташриф буюрди. 2013 йилда сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми 615 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Бугунги кунда туризм соҳасида 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, бу тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши 2 фоиздан ошди. Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси — туроператорлари фаолият юритмоқда, мамлакатимиздаги тарихий объектлар, архитектура ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини қамраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Бу йўналишларнинг 65 таси тарихий-маданий мерос объектлари, 30 таси табиий-рекреацион, 15 таси соғломлаштириш туризми элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир.

Ҳозирги пайтда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда. Ўтган даврда Тошкент, Самарқанд, Бухоро,

Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарлари аэропортлари модернизация қилинди ва бугунги кунда Ўзбекистонда 11 та халқаро аэропорт фаолият юритмоқда. Миллий авиакомпаниямиз замонавий «Эйрбас» ва «Боинг» авиалайнерлари билан таъминланган. Ушбу самолётлар Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Американинг 50 дан ортиқ шаҳарларига мунтазам парвозларни амалга оширмоқда⁵.

«Тошкент — Самарқанд — Тошкент» йўналиши бўйлаб Испаниянинг «Талго» компаниясида ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий электр поездларининг ҳар кунги қатнови йўлга қўйилган. Мамлакатнинг туристик соҳадаги имкониятларини рўёбга чиқаришда ички туризмни ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Зеро, ҳар қандай янги туристик маҳсулотга, аввало, маҳаллий сайёҳларда қизиқиш уйғотиб, сўнгра уни хорижий сайёҳларга тақдим этиш самарали йўл эканлиги халқаро тажрибада тасдиғини топган. Масалан, жаҳон сайёҳлик саноатида етакчи ўринни эгаллаган Испанияда аҳолининг 90 фоизи мамлакат бўйлаб саёҳат қилади. Ушбу давлатга келувчи хорижий сайёҳлар сони эса 2012 йил якуни бўйича 58 миллионга етди. Умуман олганда, бирор мамлакат миқёсида туризм интенсивлиги 50 фоиздан ошса, яъни мамлакат умумий аҳолисининг 14 ёшдан катта қисмининг ярмидан кўпи бир йилда ҳеч бўлмаганда бир маротаба саёҳат қилса, бу ўша мамлакатда туризм оммавий тус олганидан далолатдир. Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини тараққий эттириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар жараёнида ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада қатор ҳудудий дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Сайёҳлик хизматлари кўрсатиш соҳасига

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг БМТ жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи.

маданият, телекоммуникация, савдо, овқатланиш, саноат соҳаси ташкилотлари ҳамда муассасалари, оммавий ахборот воситалари фаол жалб этилмоқда. Мамлакатимизда ички туризм салоҳиятини кенг тарғиб этиш, ҳудудлардаги сайёҳлик базалари, дам олиш зоналари, пансионатлар, санаторий ва курортлар, рекреацион ва экотуристтик ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш борасида кенг камровли ишлар амалга оширилаётир. Бу жараёнда сайёҳлик соҳасининг ҳукуқий асосини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори туризм ва туристик инфратузилмани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, миллий туристик хизматларни халқаро сайёҳлик бозорларига фаол киритишга хизмат қилиши шубҳасиз. –Масалан, тарихий ва меъморий обидалар нисбатан камроқ ҳудудларда фаол турдаги туристик хизматларни йўлга қўйиш, шунингдек, тоғли зоналар, қишлоқ жойларга мўлжалланган алоҳида турдаги туристик хизматларни ташкил қилиш каби вазифалар назарда тутилган. “Ўзбектуризм” миллий компанияси томонидан тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур тадбирларни амалга ошириш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар самарасида Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах ва Хоразм вилоятларида бир қанча ўтов оромгоҳлари, кемпинглар, дам олиш ва соғломлаштириш масканлари барпо этилиб, сайёҳлар учун турли туристик хизматлардан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шахрисабз, Марғилон сингари шаҳарларимизда халқимизнинг бой тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи қадимий обидалар авайлаб сақланаётганлиги ҳамда миллий ҳунармандлик марказлари фаолият кўрсатаётгани мазкур ҳудудларда нафақат халқаро, балки ички туризмни ҳам жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, Бухородаги маданий ва

тарихий ёдгорликлар, жумладан, Масжиди Калон ва Чор Бакр мажмуалари, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолик Гиждувоний каби буюк аждодларимизнинг кадамжоларини зиёрат қилиш мақсадида минглаб ҳамюртларимиз мазкур вилоятга саёҳат қилмоқдалар. Тегишли ташкилот ва ўқув муассасалари билан ҳамкорликда ички йўналишлар бўйича сафарга чиқиш истагида бўлган юртдошларимиз учун автобусларда имтиёзли нархларда саёҳатлар уюштирилмоқда. Бу юртдошларимизнинг ўлкамиз бой маданий мероси ва қадимий тарихи, шунингдек, истиқлол йилларида шаҳар ва қишлоқларимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари, хусусан, Оролбўйида ҳам ички туризмни ривожлантириш ишлари доирасида янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги қадимий қалъалар ҳамда диққатга сазовор жойлар бўйлаб уч йўналишда саёҳатлар таклиф этилмоқда. Хусусан, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати, Устюрт кенгликларидаги сайғоқлар яйлови, Судоче кўлининг сақланиб қолган акваториясига саёҳатлар уюштирилмоқда. “Саҳролар ичра ўтмиш садолари”, “Оролга саёҳат”, “Тилаклар қудуғи”, “Ипак ипи мўъжизаси”, “Қорақалпоғистоннинг қадимий қалъалари” каби дастурлардан иборат йўналишлар сайёҳларга кўпроқ маъқул келмоқда. Ўлканинг бой тарихий ва маданий ёдгорликлари ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассам этган Нукус шаҳридаги И.Савицкий номидаги санъат музейида тўқсон мингдан ортиқ экспонат сақланади. Қорақалпоқ элининг миллий безаклари, халқ амалий санъати намуналари, каштачилик буюмлари, миллий либослари сайёҳларнинг эътиборини тортмоқда. Оролбўйига сайёҳларни янада кўпроқ жалб этиш мақсадида минтақанинг табиий иқлим шароитидан оқилона фойдаланилиб, янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Мисол учун, табиий сув ҳавзаларида балиқ, ўрдак овлаш бўйича янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этилган. Шунингдек, “Миздақхон қалъа”, “Тупроққалъа”, “Аёзқалъа”, “Чилпик” каби қадимий

ёдгорликлар, Амударё соҳили бўйлаб экологик турлар ташкил этилди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ички туризм изчил ривожланмоқда. “Аёзқалъа-тур” сайёҳлик компанияси⁶. – 1998 йилдан буён фаолият юритаётган Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа туманида жойлашган. Қорақалпоқ халқининг миллий урф-одатлари, анъана ва кадриятларини намоён этган ўзига хос сайёҳлик турлари ташкил этиш орқали хорижий мамлакатлардан кўплаб сайёҳларни жалб этаяпмиз. Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг бошқа худудларидан Қорақалпоғистонга саёҳатга келувчилар кўпаймоқда, ўз навбатида худудимиз аҳолисининг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Термиз каби шаҳарларимизга саёҳати уюштирилмоқда. Мамлакатимизда сайёҳликнинг, жумладан, ички туризмнинг ривожланиши янги иш ўринлари очилиши, иқтисодиётимизнинг ва халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик" лойиҳаси олти йўналишдан иборат бўлиб, улардан бири худудларнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган. Бу борада иккита бошланғич худуд: Жиззах вилоятининг Зомин ҳамда Наманган вилоятининг Чортоқ туманлари танлаб олинган. Мазкур туманлар ички туризмни ривожлантириш учун қулай худуд ҳисобланади. Хусусан, Зоминда рекреацион – дам олиш ва соғлиқни тиклаш мақсадларига хизмат қилувчи кўплаб ресурслар мавжуд. Худуднинг тоғ экотизими, археологик ёдкорликлари у ерда экологик, спелеологик (ғорларга саёҳат қилиш), тарихий, қишлоқ ва спорт туризми – чанғида учиш, пиёда саёҳат, тоғ велосипедини ривожлантириш имконини беради. Лойиҳа ижроси доирасида Зоминда маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун қизиқарли икки туристик йўналиш ишлаб чиқилди. Сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсата оладиган транспорт

⁶ www.uzbekturizm.uz.

компаниялари, овқатланиш шохобчалари билан алоқалар йўлга қўйилди. Археологик ёдкорликларга элтувчи автомобиль йўлларида ўзбек, рус ва инглиз тилларида йўл кўрсаткичлар ўрнатилди. 2013 йилнинг ўзида туманда ўн иккита аҳоли уйларида меҳмонларни кутиб олиш учун шароитлар яратилди. Уларда хизмат қилувчи ишчи ва ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида семинар-тренинглари ўтказилди. Сайёҳлар табиат қўйнида дам олиш билан бирга, турли маданий дастурлар, масалан, келин салом, бешик тўйи каби миллий маросимлар, шунингдек, маҳаллий таомларни тайёрлаш бўйича маҳорат сабоқларида ва уй юмушларини бажаришда ҳам қатнашиши мумкин. Лойиҳада белгиланган вазифаларга мувофиқ, Зомин туманида ташкил этилган туристик хизматлар мажмуи, туман ҳақида атрофлича маълумот берувчи ахборотномалар, видеоролик, оригинал логотип юртимиздаги маҳаллий сайёҳлик компанияларига тақдим этилди. Мамлакатимизда ички туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар сайёҳларга қулай шароит яратиш ва уларнинг ўз саёҳатларини мазмунли ўтказишига хизмат қилиши билан бир қаторда Ўзбекистонимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

1-БОБ бўйича хулоса

Туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш, туризм тармоқ фанини ривожлантиришга кўмаклашиш. Бундай давлатларга молиялаштириш ўта сахийлик билан, узоқ муддатга ва фоизлар нуқтаи назаридан имтиёзли шартларда амалга оширилади. Аммо бунинг салбий томони ҳам борки, бу инвесторларнинг ўз шартларини қўйишлари ва уларнинг бажарилишини талаб қилишларидан, уларга қарамлик юзага келишидан ва ҳоказолардан иборат. Сармоялашнинг усул ва шакллари турлича бўлиши мумкин. Республика ҳудудида 25 минг ўрндан ортиқ сиғимга эга 500 дан ортиқ

турли мулкчилик шаклидаги меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари фаолият кўрсатмоқда

- Охирги 6 йилда 7 мингдан ортиқ ўринга мўлжалланган 200 дан ортиқ ўрта ва кичик хусусий меҳмонхоналар ишга туширилди
- Фаолияти асосан чет эллик туристларни жалб этиш ва уларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган 506 та туристик компаниялар фаолият юритиб келмоқда
- Миллий ўтмишни ва маданий меросимизни акс эттирувчи сувенир маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган 500 дан ортиқ хунармандчилик корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда.
- Республика ҳудудида 25 минг ўриндан ортиқ сиғимга эга 500 дан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари фаолият кўрсатмоқда
- Охирги 6 йилда 7 мингдан ортиқ ўринга мўлжалланган 200 дан ортиқ ўрта ва кичик хусусий меҳмонхоналар ишга туширилди
- Фаолияти асосан чет эллик туристларни жалб этиш ва уларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган 506 та туристик компаниялар фаолият юритиб келмоқда

2013 йил 18 январдаги давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларидан келиб чиқиб, “Ўзбектуризм” миллий компанияси томонидан қуйидаги чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди:

- Туризм соҳасида давлат бошқарувининг меъёрий-ҳуқуқий базаси ва механизмларини янада такомиллаштириш;
- Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли”да туризмни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича Бутунжаҳон туризм ташкилотининг ҳудудий офисининг ишини йўлга қўйиш ва самарали юритилишини таъминлаш.

- Хоразм вилоятининг туризм соҳасини ривожлантириш дастури асосида мамлакатнинг бошқа ҳудудлари учун шу каби дастурлар ишлаб чиқиш;
- ички туризм имкониятларини тарғиб қилиш мақсадида ички туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- Туризм инфратузилмасини яратишга сармояларни, шу жумладан хорижий сармояларни жалб қилиш.

2-Боб. Республикада кўрсатилаётган туристик хизматларни иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.

2.1.Ўзбекистонда туристик хизматларни сифатини оширишда туроператор ва турагентлар фаолиятини таҳлили.

Ривожланган мамлакатларда маркетинг тадқиқотлари олиб бориш натижасида, туристик сервис кўрсатишда туроператор ва турагентликларнинг ҳиссаси жуда катта бўлиб, туристик маҳсулот асосан йўловчи ташиш, меҳмонхона ва кўнгилочар тадқиқотларидан иборатдир. Туристик маҳсулотни тайёрлашда ҳаво, денгиз, темир йўл, автомобиль транспорти, меҳмонхоналар ва бошқа ётоқ воситалари, музей-экскурсия тадқиқоти, оммавий дам олиш муассасалари, спорт ва курорт ташкилотлари иштирок этади.

Туристик маҳсулотни тайёрловчилар–туроператорлар (ТО) ўз маҳсулотини бевосита харидорга ҳамда билвосита туристик агентликлар (ТА) орқали сотади.

Туроператорлик бизнесининг ташкил топиши узоқ масофаларга оммавий туризмнинг ривожланиши ва туристик маҳсулотнинг мураккаблашуви билан боғлиқдир. Натижада туристик фирмалар фаолиятининг ихтисослашуви кучайди: кимдир янги минтақаларга чиқиш, туризмнинг янги турларини ривожлантириш орқали тадқиқотлар пакетини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, бошқалар эса туристик агентликлар сифатида асосий эътиборни туристик маҳсулотни сотишга қаратдилар.

Туроператор маълум туристик маҳсулотни сотиб олади. Унинг фойдаси сотиб олиш нархи ва сотиш нархи ўртасидаги фарққа асосланади. Кўпинча туроператор алоҳида тадқиқотларни сотиб олади ва улардан комплекс туристик маҳсулотни шакллантириб, ўз нархини белгилайди.

Туристик агентлик эса чакана сотувчи бўлиб, унинг фойдаси бошқа фирманинг туристик маҳсулотини сотиш орқали тушадиган комиссиян тушумларга асосланади. Туристик агентлик туристик маҳсулот (авиачипта, меҳмонхона ўрни)ни туроператор ёки тадқиқот кўрсатувчи ташкилотларнинг

сотиш нархига кўра сотади.

Туроператор доим сотиш учун туристик маҳсулот захирасига эга, туристик агентлик эса маълум тадқиқотни фақат мижоз томонидан қизиқиш билдирилгандагина талаб қилади.

Аммо кундалик тажрибада туроператор ва туристик агентлик ўртасида аниқ фарқларни ажратиш қийин бўлади, чунки улар кўпинча ўхшаш вазифаларни бажаради. Туристик ташкилот бир вақтда ҳам туроператор, ҳам туристик агентлик бўлиши мумкин. Масалан, маълум фирма туроператор сифатида маршрутлар ишлаб чиқади ва уни туристлар ёки туристик агентликларга сотади. Айтиш мумкин, туристик корхона туристик агентлик сифатида бошқа фирмалардан турлар сотиб олиши ва туристларга сотиши мумкин.

Туризм индустриясининг жадал ривожланиши, туризм бозорида рақобатнинг кучайиши уларнинг янада ихтисослашувини белгилаб берди.

Туроператорлар қуйидагича таснифланади⁷:

Фаолият тури бўйича:

1. Оммавий бозор операторлари. Улар туристик пакетларни оммавий туризм жойларига чартер рейслардан фойдаланган ҳолда сотишади.
2. Ихтисослашган операторлар. Бу маълум маҳсулот ёки бозор сегменти (маълум мамлакат, маълум туризм тури ва х.)га ихтисослашган туроператорлардир. Ўз навбатида улар қуйидаги шаклларда фаолият юритиши мумкин:
 - а) махсус қизиқиш туроператорлари (масалан, спорт-саргузашт турлари, Африкага сафари ташкил этиш ва х.);
 - б) маълум ҳудудга ихтисослашган туроператорлар (масалан, Англия, Францияга саёҳатлар ташкил этиш ва х.);
 - в) маълум мижозлар тоифасига ихтисослашган туроператорлар (ёшлар, оилалар,

⁷www.world-tourism.org – Всемирная туристская организация

тадбиркорлар ва х.);

г) маълум ётоқ воситаларига ихтисослашган туроператорлар (дам олиш уйлари, туристик базалар ва х.);

д) маълум транспорт воситасидан фойдаланадиган туроператорлар (теплоход, поезд ва х.).

Фаолият жойи бўйича:

1. Маҳаллий (ички) туроператорлар. Улар мамлакат ҳудудини қамраб олувчи туристик пакетлар тузади.
2. Ташқи туроператорлар ўз туристик пакетларини чет давлатларга қаратади;
3. Кутиб олувчи туроператорлар. Улар мамлакат ичида хорижлик туристларга хизмат кўрсатади.

Бундан ташқари туроператорларни инициатив ва рецептив туроператорларга ажратилади.

Аммо чет элга туристларни жўнатиш туроперейтинг Ўзбекистонда кенг ривожланмаган. Бу энг аввало туристик тадқиқотларнинг кам дифференциаллашганлиги, хизмат кўрсатишнинг жаҳон даражасидан ортда қолаётгани ҳамда иқтисодий таъминланган талабнинг пастлигидан келиб чиқади. Шу билан бирга юртимизда маълум комиссия фойда кўриш мақсадида туроператорлар маҳсулотини сотадиган туристик агентликлар фаолияти ҳали яхши ривожланмаганлигини таъкидлаш лозим.

Туроператорларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат⁸:

1. Потенциал туристларнинг туристик дастурларга бўлган талабини ўрганиш;
 2. Туристлар талабини қондириш мақсадида истиқболли туристик дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни бозорда текшириб кўриш;
 3. Туристлик хизмат таъминотчилари билан шартнома асосида фаолият юритиш.
- Буларга қуйидагилар киради:

⁸www.world-tourism.org – Всемирная туристская организация

- туристларни ётоқ билан таъминлаш мақсадида меҳмонхоналар билан;
- умумий овқатланиш корхоналари билан туристларга овқатланиш тадқиқот кўрсатиш бўйича;
- туристларга транспорт хизмат кўрсатиш учун транспорт корхоналари билан;
- туристларга экскурсия хизматларини кўрсатиш учун экскурсия фирмалари, музейлар, кўрғазма заллари, парк ва бошқа кўнгилочар ташкилотлар билан;
- мос равишда туристларга хизмат кўрсатиш учун турли хўжалик хизмат и кўрсатувчи корхоналар билан;
- туристлар спорт иншоотларидан фойдаланиши учун спорт ташкилотлари билан;
- туристлар ташриф буюриши учун шоу, кино, видеозаллар, театр корхоналари билан;
- туристларга хизмат кўрсатиш учун кўриқхона, табиат парклари билан;
- ўз фаолиятларини қонун доирасида юритишда маҳаллий ҳокимият вакиллари билан.

Туристтик хизматлар таъминотчилари билан алоқалар жорий ва истиқболли характерга эга бўлиши керак, яъни доимий равишда янги дастурларни ишлаб чиқиш ва мавжуд турларни назорат қилишга қаратилган бўлиши керак.


4. Туристтик маршрут нархини ҳисоблаш ва бозор шароитига қараб нарх белгилаш, ўз тадқиқот турлари бўйича тарифларини аниқлаш.
5. Туристтик маршрут бўйича саёҳат қилаётган туристларга зарур бўлган реклама-сувенир материали, махсус пердметлар билан таъминлаш.
6. Туристларга хизмат кўрсатувчи ва туристик дастур бажарилишини назорат қилувчи кадрлар (гид-экскурсовод, инструктор, методист ва х.)ни тайёрлаш, танлаш ва ишга олиш.
7. Истеъмолчиларга ўз туристик маҳсулотини тарғиб қилиш учун реклама-ахборот фаолиятини олиб бориш.
8. Туристтик агентликлар тизими бўйича турларни тарғиб қилиш ва сотиш.

9. Хизмат кўрсатиш сифатини назорат қилиш.

10. Туристларга хизмат кўрсатиш жараёнида улар билан доимий равишда алоқа қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш.

Туроператор туризм бозорида хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчи ўртасида туради. Унинг вазифаси алоҳида хизмат кўрсатувчиларнинг тадқиқотини истеъмолчиларга комплекс туристик маҳсулот ҳолида етказиб беришдан иборат. Бунга асосий ва қўшимча хизмат лар кириши мумкин.

Қўшимча хизматлар фақат юзаки қараганда туроператор вазифаси бўлиб кўринмайди. Биринчидан, кўпгина қўшимча хизматлар (мавзули парклар, кўнгил очар марказлар ва ҳ.) туристларни жалб қилишнинг асосий мотиви ҳисобланади.



1-расм. Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрувчиларнинг минтақаларо тақсимланиши.

Қуйидаги расмдан кўришимиз мумкинки, республикамизга Европа мамлакатларидан туристлар оқими бошқа минтақаларга нисбатан кўпроқдир.

Бунинг учун туристик компанияларнинг келажакда асосий вазифалари туристик маршрутларни хилма-хиллигини ошириш, бошқа минтакалардан келадиган туристларни янги туристик маҳсулот билан қизиқтириш ва уни рекламасини кучайтириш долзарб муаммолардан биридир.

1-жадвал

Туризм фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар тўғрисида маълумот.



Туризм фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар тўғрисида маълумот

№	Худуд	Туризм фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар	Туроператорлик ва турагентлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар	Меҳмонхона фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар
1	Қорақалпоғистон Р.	11	3	8
2	Андижон вил.	19	7	12
3	Бухоро вил.	75	12	63
4	Жиззах вил.	5	2	3
5	Қашқадарё вил.	22	6	16
6	Навоий вил.	14	1	13
7	Наманган вил.	13	3	10
8	Самарқанд вил.	157	80	77
9	Сурхандарё вил.	15	2	13
10	Сирдарё вил.	3	1	2
11	Тошкент вил.	22	5	17
12	Фарғона вил.	15	5	10
13	Хоразм вил.	35	9	26
14	Тошкент ш.	459	370	89
	Жами	886	608	368

Иккинчидан, амалиётнинг кўрсатишича туроператор даромадларининг катта қисмини турист томонидан дам олиш жойида сотиб олинган, қўшимча кўрсатилган хизматлар ташкил этади.

1-жадвалдан кўришимиз мумкинки, республикада туризм фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар асосан пойтахт шаҳарлар ва “Буюк ипак йўли” маршрути бўйича жойлашган шаҳарларда кўпчилик сонларни кўрсатади.



2-расм. 1993-2015 йилларда ички туризмда хизмат кўрсатишнинг ўсиши

2-расмдан кўришимиз мумкинки, йиллар давомида хизмат кўрсатишнинг ўсиши жадал суръатлар билан ривожланиб келган, бунга турли хил омиллар сабаб бўлган. 1993-йилда 240470 кишига хизмат кўрсатилган бўлса, 2015-йилга келиб бу кўрсаткич 890000 кишига етганини кўришимиз мумкин.



2015 йилгача мўлжалланган прогноз параметрлар

Кўрсаткичлар	Параметрлар		
	2013	2014	2015
Туристлик хизматлар ҳажми (млрд. сўм)	269,5	318,8	382,6
Туристлик хизматлар экспорти (млн. АҚШ \$)	214,0	256,8	310,0
Туристларга хизмат кўрсатиш – жами (минг киши)	1350,0	1560,0	1816,0
Шу жумладан:			
Хорижий	600,0	720,0	864,0
Ички	710,0	790,0	890,0

3-расм. Республикада кўрсатиладиган туристик хизматларнинг ҳажми ва экспорти.

3-расмдан кўришимиз мумкинки, туристик хизматлар экспорти 2013-2014 йиллар мобайнида яхши кўрсаткичларга эришилган. Бунинг замирида жуда кўп омиллар ётади. Буларга туризм инфратузилмасини ривожланиши, транспорт хизматларининг сифати ошганлиги, 40дан ортиқ мамлакатлар билан тўғридан-тўғри авиарейсларни мавжудлиги ва давлатимиз томонидан туризм соҳасини ривожлантириш йўлидаги оқилона сиёсати.

2.2. Давлат томонидан ажратилган инвестицияларни замонавий туризмга йўналтириш усуллари.

Кези келганда илгари айтган бир фикримни такрорламоқчиман дейди ҳурматли Президентимиз “бу дунёда табиатга ҳам, жамиятга ҳам бошлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни албатта

кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади”⁹ деган фикрлари замонавий туризмни ривожлантиришнинг асосий жиҳатлари ва унинг давлат томонидан тартибга солинишига кам асос бўла олади.

Республикада замонавий туризмнинг бугунги кундаги аҳволининг таҳлили шуни кўрсатадики, унинг ноёб салоҳият ва имкониятларидан ғоятда кам фойдаланилмоқда. Ўзбекистонда замонавий туризм бизнесида анча орқада қолиб келмоқда. Бунга сабаб аввало шуки, республика иқтисодиёти ва шу жумладан замонавий туризм соҳаси ислоҳотларнинг дастлабки босқичидан қийин аҳволда қолди. Илгари етарлича йўлга қўйилган «вертикал» алоқалар бузилган эди, иқтисодий алоқалар янги шароитларда «горизанталлар» бўйича мақсадли ривожланмаётганлиги оқибатида анчагина жиддий қийинчиликлар юзага келди. Ўзбекистон учун ўз олдида турган вазифа ва муаммоларнинг барчасини ечиши ғоятда қийиндир, ҳозирги кунда замонавий туризмни ривожлантириш учун хорижий ёрдам, катта сармоялар керак бўлмоқда. Ўзбекистон замонавий туризми олдида турган асосий вазифа хорижий инвесторларни мумкин қадар кўпроқ жалб қилишдан иборатдир. Бу инвесторларни Ўзбекистоннинг улар учун айна ўз сармояларини бажонидил ва ишончли сарфлашлари мумкин бўлган жой эканлигига ишонтара олиш, бунини исботлай олиш лозим. Бевосита хорижий инвестицияларни қўшма корхоналар ташкил қилиш, туристик комплексларни камкорликда қуриш ва улардан фойдаланиш мақсадида кенг кўламда жалб қилиш, ишлаётган объектларни қайта таъмирлаш ва замонавийлаштириш туризмни ривожлантириш сиёсатининг энг муқим йўналишларидан биридир.

Республикада замонавий туризмни хорижий инвестиция билан таъминлашнинг устивор йўналишлари қаторига транспорт, телекоммуникациялар, ахборот хизматлари, тадбиркорлик инфраструктураси ва

⁹И.Каримов. “Юксак маънавият – энгилмас куч” Т.: “Маънавият”, 2008, 12-бет

туризм сервисидан ташкил топган туризм инфраструктурасини шакллантиришни киритиш мумкин. Ўзбекистон замонавий туризмни ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга. Серқуёш осмон ва сержило қорли чўққиларнинг ажойиб уйғунлиги, гўзал манзаралар, қулай шарт шароитлар, тарихий жойлар ва қадамжоларнинг кўплиги ва ғоятда қулай географик жойлашганлиги республикада туризмни ривожлантириш учун етарли омилдир. Ўзбек миллий туризмнинг асосий вазифаси ана шу инвестицияларни Ўзбекистонга буриб юбора олишдан иборатдир. Туризмнинг иқтисодий акамиятини мамлакат миқёсида кам алокида минтақалар учун кам яхши билиш лозим. Ўзбекистон Республикасида замонавий туризм инфраструктурасининг бугунги колатини ўрганиш, соҳада мавжуд бўлган муаммоларни таклил қилиш, юзага келган мураккаб аҳволдан чиқиш йўллари кидиришдан иборат бўлиб, бунда асосий эътибор хорижий капитални жалб қилишга қаратилади, шу тариқа замонавий туризм учун халқаро майдонга чиқиш имконияти яратилди. Халқаро туризмнинг ўсиб бораётган обрўси, унинг замонавий жамият ҳаётидаги ўрни иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий аҳамияти жаҳондаги кўплаб мамлакатларнинг ҳукуматлари томонидан эътироф этилган. Қўшни мамлакатлардан барча йўналишлар бўйича келадиган норезидентлар 2,5 млн. кишини ташкил этади. Улар тижоратчилар, қариндошлариникига келган меҳмонлар, қўшма корхоналарнинг ходимлари бўлиши мумкин. «Буюк Ипак Йўли»нинг асосий маркази бўлган Хитойга сарфланадиган маблағлар барча Шарқий Осиё мамлакатларини инфраструктураларини ривожлантиришга сарфланадиган жами 1,3-1,5 трлн.АҚШ доллари инвестицияларнинг тахминан 51% ни ташкил қилади. Ўзбекистон, энди ривожлана бошлаётган бозорга эга бўлган ҳолда, йирик инвестиция лойиҳалари учун зарур бўлган капитал ҳажмини таъминлай олмайди, қаттиқ валютага эга бўлиш қийиндир. Аммо бу муаммоларнинг барчасини хорижий инвесторлар ёрдамида ҳам қилиш мумкин. Шунингдек, илғор техника ва технологияларга, бошқарувчининг илғор усулларига эга

бўлиш ва жаҳон бозорига чиқиш ҳам осонлашади. Республикада қулай инвестицион муҳитни таъминлаш учун барқарор ҳуқуқий база мавжуддир. Хусусан, «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги, «Инвестициялар ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, «Ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоялашни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги фармонлар қабул қилинган. Иқтисодий ислоҳотлаштириш ва инвестициялар бўйича маҳкамалараро қўмита ташкил қилинган. Катта миқдорда хорижий ёрдам олаётган мамлакатлар индустриал саноат тараққиётида исталган суръатларга тезда эришмоқдалар. Аммо инвесторлар (АҚШ, Европа иттифоқи, Япония) бу мамлакатлар ичида улар эгаллаб турган қарбий - сиёсий ёки энергетик қом-ашё жикатдан муҳим ва ҳал қилувчи позицияларга қараб алоҳида стратегик мавқега эга бўлган давлатларни танлаб олдилар. Бундай давлатларга молиялаштириш ўта сахийлик билан, узок муддатга ва фоизлар нуқтаи назаридан имтиёзли шартларда амалга оширилади. Аммо бунинг салбий томони ҳам борки, бу инвесторларнинг ўз шартларини қўйишлари ва уларнинг бажарилишини талаб қилишларидан, уларга қарамлик юзага келишидан ва ҳақозолардан иборат. Инвестициялашнинг усул ва шакллари турлича бўлиши мумкин. Масалан: Туркияда махсус ҳамкорлар сони кўпайгани, биринчидан мамлакатнинг ҳар бир инвесторга шахсан қарамлиги камаяди, иккинчидан керакли миқдорда хорижий ёрдам тушуми кафолатланади. Япония ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик мақсадларида фаолият кўрсатган ҳолда, инвестициялашни акцияларни сотиб олиш ва узок муддатли қарзлар бериш орқали амалга оширади. Бу йўл билан у ўзини мамлакатнинг бозори ва иқтисодини эгаллаб олувчи эмас, балки интеграция тарафдори қилиб кўрсатади. Аммо айна пайтда у кўплаб компания акцияларининг назорат пакетига эгадир ва уларнинг фаолиятини назорат қилиб боради. Ғарбий Европа инвесторларининг анъанавий усуллари хорижий

(назорат) компанияларнинг мутлоқ соҳиблари бўлиб олишга қаратилган. Иқтисодий тараққиётни энг самарали ташқи молиялаштириш давлатлараро асосда халқаро молиявий ташкилотларни жалб қилган ҳолда, амалга оширилади. Ҳозирги пайтда хорижий инвесторлар тоғ-кон саноати ва тижорат мақсадидаги транспорт воситаларини ишлаб чиқаришига катта қизиқиш билан қарамокдалар. Жаҳон банкининг берган баҳосига кўра 2010-2015 йилларда молиялаштириш эҳтиёжларининг 900-950 млн. АҚШ доллари миқдорига бўлиши мўлжалланмоқда. Хорижий инвестициялашнинг имтиёзли йўналишлари қаторига туризмнинг замонавий инфраструктурасини, шу жумладан транспорт, телекоммуникациялар, ахборот хизматлари, тадбиркорлик инфраструктурасини (офислар, тадбиркорлик марказлари, банклар ва бошқа объектлар) ташкил қилиш ҳам киради. Бусиз ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва халқаро инвестицияси фаолиятини кенг ривожлантириш амалда мумкин эмас. Бугунги кунда жаҳон ахборот асри даврида яшаётган бир пайтда, Ўзбекистонга маълумотлар банклар, турли компьютер ва телекоммуникация тармоқлари сув билан ҳаводек зарурдир, чунки биз ривожланган коммуникация тармоғининг хорижий инвесторларни қизиқтирувчи асосий омил эканлигига ишонч ҳосил қилиб улгурди.

2.3. Республикада кўрсатилаётган туристик хизматларни иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Халқаро туризм ҳақиқатдан ҳам улкан истиқболларга эгадир. Туризм, айниқса халқаро туризм, бу давлатнинг иқтисодий манфаатлари соҳасидир. Умумий Ялпи ички маҳсулот ва валюта тушумларининг асосий ўсиш манбаига айланиши мумкин. Масалан, Халқаро Туристтик Ташкилотнинг маълумотларига кўра «Буюк Ипак Йўли»нинг асосий марказлари бўлган Самарқанд, Бухоро ва Хивага саёҳат қилишни хоҳловчилар ҳар йили 10 млн кишидан кам бўлмайди.

Бу фақат Европа мамлакатларидаги аҳвол. Агар ҳар бир турист республикада кўрсатилган хизматлар эвазига кунига ҳеч бўлмаганда 100 доллар колдириб кетса, валюта тушумларининг йиллик ҳажми 5 млрд доллардан ортиши мумкин. Ўзбекистоннинг тарихий мероси бу ерга туристларни жалб қилишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Бу ерда Александр Македонский, Чингизхон ва Амир Темур давридан қолган 4000 дан ортиқ тарихий ёдгорликлар мавжуд. Фарғона водийси қорли тоғлар билан ўралган, мамлакатдаги энг хушманзара табиий минтақадир. У бу ерда чанғи спортини ривожлантиришга имконият яратади.

Туристлар ўтадиган асосий пунктларга куйидагилар киради: Қирғизистондан Красногорск, Қозоғистондан Сарёғоч, Тожикистондан Панжикент, Туркманистондан Тошовуз ва б. Бундан ташқари, Ўзбекистонга чет эллик туристлар келиши мумкин бўлган автомобиль йўллари ҳам мавжуд. Ўзбекистонга келувчи норезидентлар резидентларга қараганда шу қадар кўпки, республикага барча мамлакатлардан ташриф буюрувчилар ҳисоби юритилмайди. Қозоғистон, Россия, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондан ҳар йили тахминан 5 млн. норезидентлар ташриф буюради. Қўшни мамлакатлардан барча йўналишлар бўйича келадиган норезидентлар 2,5 млн. кишини ташкил этади. Улар тижоратчилар, қариндошлариникига келган меҳмонлар, қўшма корхоналарнинг ходимлари бўлиши мумкин. Йўловчи ташиш маълумотларида шахсий машинасида ташриф буюрувчилар ҳисобга олинмаган. Ваҳоланки, улар ташилган жами йўловчиларнинг камида 20% ни ташкил этади. «Буюк Ипак Йўли»нинг асосий маркази бўлган Хитойга сарфланадиган маблағлар барча Шаркий Осиё мамлакатларини инфраструктураларини ривожлантиришга сарфланадиган жами 1,3-1,5 трлн. АҚШ доллари инвестицияларнинг тахминан 51% ни ташкил қилади¹⁰.

¹⁰ www.Uzbekturizm.uz.

Ўзбекистон, энди ривожлана бошлаётган бозорга эга бўлган ҳолда, йирик инвестиция лойиҳалари учун зарур бўлган капитал ҳажмини таъминлай олмайди, қаттиқ валютага эга бўлиш қийиндир. Аммо бу муаммоларнинг барчасини хорижий инвесторлар ёрдамида кам қилиш мумкин. Шунингдек, илғор техника ва технологияларга, бошқарувчининг илғор усулларига эга бўлиш ва жаҳон бозорига чиқиш ҳам осонлашади. Республикада қулай инвестицион муҳитни таъминлаш учун барқарор ҳуқуқий база мавжуддир. Хусусан, «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги, «Инвестициялар ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, «Ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоялашни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги фармонлар қабул қилинган. Иқтисодий ислохотлаштириш ва инвестициялар бўйича маккамалараро кўмита ташкил қилинган. Катта миқдорда хорижий ёрдам олаётган мамлакатлар индустриал саноат тараққиётида исталган суръатларга тезда эришмоқдалар. Аммо инвесторлар (АҚШ, Европа иттифоқи, Япония) бу мамлакатлар ичида улар эгаллаб турган қарбий - сиёсий ёки энергетик хом-ашё жикатдан муқим ва қал қилувчи позицияларга қараб алокида стратегик мавқега эга бўлган давлатларни танлаб олдилар. Бундай давлатларга молиялаштириш ўта сахийлик билан, узоқ муддатга ва фоизлар нуқтаи назаридан имтиёзли шартларда амалга оширилади. Аммо бунинг салбий томони кам борки, бу инвесторларнинг ўз шартларини қўйишлари ва уларнинг бажарилишини талаб қилишларидан, уларга қарамлик юзага келишидан ва ҳақозолардан иборат. Инвестициялашнинг усул ва шакллари турлича бўлиши мумкин. Масалан, Туркияда махсус ҳамкорлар сони кўпайгани, биринчидан мамлакатнинг ҳар бир инвесторга шахсан қарамлиги камаяди, иккинчидан керакли миқдорда хорижий

ёрдам тушуми кафолатланади. Япония ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик мақсадларида фаолият кўрсатган ҳолда, инвестициялашни акцияларни сотиб олиш ва узок муддатли қарзлар бериш орқали амалга оширади. Бу йўл билан у ўзини мамлакатнинг бозори ва иқтисодини эгаллаб олувчи эмас, балки интеграция тарафдори қилиб кўрсатади. Аммо айти пайтда у кўплаб компания акцияларининг назорат пакетига эгадир ва уларнинг фаолиятини назорат қилиб боради. Ғарбий Европа инвесторларининг анъанавий усуллари хорижий (назорат) компанияларнинг мутлоқ соҳиблари бўлиб олишга қаратилган. Иқтисодий тараққиётни энг самарали ташқи молиялаштириш давлатлараро асосда халқаро молиявий ташкилотларни жалб қилган ҳолда, амалга оширилади.

2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришга 77,7 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ йўналтирилади. 2013 йилда Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида туризм соҳасини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Уни амалиётга татдиқ этиш учун 260 миллион АҚШ доллари ҳисобида маблағ киритиш назарда тутилган. Паркент тумани ҳокимлигидан маълум қилишларича, бу ерга сайёҳлардан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олди-сотдиси билан шуғулланувчи ҳамда тажриба алмашиш ниятидаги хорижий компания ва фирмалар вакиллари ҳам тез-тез келиб туради. Мисол учун, яқинда ўттиз нафардан зиёд австриялик меҳмонлар тумандаги “Саркор агро”, “Заркент саховати” фермер хўжаликлари далаларида бўлди.

Мамлакатимизга, хусусан, Тошкент вилоятига келиб-кетувчи сайёҳлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Шунини ҳисобга олган ҳолда, бу ердаги мавжуд инфратузилмани янада ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар турини кенгайтириш ҳамда сифатини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 августда қабул қилинган “2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва

ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 сентябрдаги “2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда¹¹.

Айни кунларда уш бу ҳужжатлар ижроси доирасида вилоятнинг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, янги сайёҳлик йўналишлари очиш, дам олиш ва саёҳат қилиш билан боғлиқ шарт-шароитларни янада яхшилаш, сайёҳларни минтақанинг тарихий ва маданий мероси билан кенгроқ таништириш, транспорт-коммунал инфратузилма объектлари комплекси билан Чимён-Чорвоқ рекреацион зонасида янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Паркент тумани ҳокимлигидан маълум қилишларича, бу ерга сайёҳлардан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олди-сотдиси билан шуғулланувчи ҳамда тажриба алмашиш ниятидаги хорижий компания ва фирмалар вакиллари ҳам тез-тез келиб туради. Мисол учун, яқинда ўттиз нафардан зиёд австриялик меҳмонлар тумандаги “Саркор агро”, “Заркент саховати” фермер хўжаликлари далаларида бўлди.

Вилоят ҳокимлигининг иқтисодиёт бош бошқармасидан маълум қилишларича, бу борадаги ишларга 77,7 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфланади. Амалга ошириладиган ишлар вилоят ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари, Молия ҳамда Адлия вазирликлари, “Ўзбектуризм” миллий компанияси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат, “Давархитектқурилиш” ҳамда “Ергеодезкадастр” кўмиталари, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида бажарилади. Лойиҳаларни молиялаштиришга хорижий

¹¹www.gov.uz

инвестициялар, кредитлар, халқаро ташкилотларнинг грантлари ҳам жалб этилади.

2013-2015 йилларга мўлжалланган дастурга биноан вилоятдаги ўн бешта тарихий-маданий мерос объектининг қиёфаси янгиланади. Пискент, Оққўрғон ва Оҳангарон туманларидаги “Шохрухия”, “Хонқа” археологик ёдгорликлари, “Саур тепа”, “Шодмалик ота” ва “Сардоба қайнар” мажмуалари, “Қирқ қиз”, “Сормозор” ва “Парпи ота” қадамжолари шулар жумласидандир. Бир нечта меҳмонхоналарда, Ангрен шаҳридаги “Янгиобод” туризм базаси ҳамда Паркент туманидаги “Сумча” дам олиш зонасида реконструкция ишлари олиб борилади. Йигирмага яқин замонавий меҳмонхона бунёд этилади¹².

Туризм ривожини транспорт хизматисиз тасаввур этиш қийин. Вилоятда бу масала бўйича ҳам муайян ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Хусусан, Хожикент темир йўл вокзалидан рекреацион ҳудудгача йўловчи ташиш хизматларини кенгайтириш, янги йўналишлар очиш ҳамда 253 энгил автомашина, икки юзга яқин автобус харид қилиш режага киритилган.

Бўстонлик, Паркент ва Оҳангарон туманларидаги 574,6 минг гектар ерни ўз ичига оладиган Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ва унга қаршли Чотқол давлат биосфера кўриқхонасига саёҳатлар уюштириш, Чинозда балиқ ва балиқ маҳсулотлари кўргазмаси, шунингдек, дам олиш кунлари жадвал асосида пойтахтдан Тошкент вилояти туманларига экскурсиялар ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Туризм соҳасида ишлайдиган мутахассисларнинг малакасини ошириш, бунинг учун зарур шарт-шароит яратиш чоралари кўрилмоқда. Бу ишлар доирасида Бўстонлик туризм касб-ҳунар коллежининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш бўйича ишлар олиб борилади. Шунингдек, туризм соҳасини ривожлантиришда 260

¹² ¹² www.gov.uz

миллион АҚШ доллари ҳисобида маблағ ажратилди. 2013 йилда Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида туризм соҳасини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Уни амалиётга татдиқ этиш учун 260 миллион АҚШ доллари ҳисобида маблағ киритиш назарда тутилган. 2013 йилда туристик хизматларнинг умумий ҳажми 2012 йилга нисбатан 16 фоизга, хизматлар экспорти эса 9 фоизга ўсган. «Ўзбектуризм» миллий компанияси хабар беришича, 2013 йилда Ўзбекистонга 1,977 миллион нафар чет эллик меҳмон ташриф буюрган. Компания маълумотларига кўра, 2014 йилнинг бошида мамлакатда фаолият юритувчи сайёҳлик ташкилотларининг сони 900дан ортиқни ташкил этди. Улардан 400дан зиёди меҳмонхона хўжалиги ва 500 таси туристик компаниялардир¹³. Ўтган йилнинг октябрь ойида «Ипак йўлидаги туризм» деб номланган 19-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси муваффақиятли ўтди. Унда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатлари фирма ва компаниялари иштирок этди.

Хорижий инвестициялашнинг имтиёзли йўналишлари қаторига туризмнинг замонавий инфраструктурасини, шу жумладан транспорт, телекоммуникациялар, ахборот хизматлари, тадбиркорлик инфраструктурасини (офислар, тадбиркорлик марказлари, банклар ва бошқа объектлар) ташкил қилиш ҳам киради. Бундай тадбирларсиз, ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва халқаро инвестицияси фаолиятини кенг ривожлантириш амалда мумкин эмас. Бугунги кунда жаҳон ахборот асри даврида яшаётган бир пайтда, Ўзбекистонга маълумотлар банклар, турли компьютер ва телекоммуникация тармоқлари сув билан ҳаводек зарурдир, чунки биз ривожланган коммуникация тармоғининг хорижий инвесторларни қизиқтирувчи асосий омил эканлигига ишонч ҳосил қилиб улгурдик. Бозорнинг белгиланган мақсадга эришишни таъминлаб

¹³ [www. Uzbekturizm. uz.](http://www.Uzbekturizm.uz)

берувчи омиллар бу маркетинг харажатлари ҳисобланади, яъни туристик хизматларни халқаро бозорга олиб чиқишдан олдин шакллантиришдир. Ҳозирги кунда “Отель Азия Фарғона”, “Зиёрат”, “Нигина” ва “Данғара” меҳмонхоналарида сайёҳларга сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида бинолар қайтадан таъмирланмоқда. Барча меҳмонхоналарнинг хизматлари «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси томонидан сертификатланган.

2-БОБ бўйича хулоса

Туризм соҳасида ишлайдиган мутахассисларнинг малакасини ошириш, бунинг учун зарур шарт-шароит яратиш чоралари кўрилмоқда. Бу ишлар доирасида Бўстонлик туризм касб-ҳунар коллежининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш бўйича ишлар олиб борилади. Шунингдек, туризм соҳасини ривожлантиришда 260 миллион АҚШ доллари ҳисобида маблағ ажратилди. 2013 йилда Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида туризм соҳасини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Уни амалиётга татдиқ этиш учун 260 миллион АҚШ доллари ҳисобида маблағ киритиш назарда тутилган. 2013 йилда туристик хизматларнинг умумий ҳажми 2012 йилга нисбатан 16 фоизга, хизматлар экспорти эса 9 фоизга ўсган. «Ўзбектуризм» миллий компанияси хабар беришича, 2013 йилда Ўзбекистонга 1,977 миллион нафар чет эллик меҳмон ташриф буюрган. Компания маълумотларига кўра, 2014 йилнинг бошида мамлакатда фаолият юритувчи сайёҳлик ташкилотларининг сони 900дан ортиқни ташкил этди. Улардан 400дан зиёди меҳмонхона хўжалиги ва 500 таси туристик компаниялардир.

3-БОБ. РЕСПУБЛИКАДА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

3.1.Ўзбекистонда туристик маҳсулотни сифатини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишнинг муҳим йўлларида бири мамлакатимизнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишига ҳам бевосита боғлиқдир. Бу соҳанинг қонуний ва моддий техник асоси яратилди. 1992 йилда “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ташкил этилди, 1995 йилда Ўзбекистонда 2005 йилгача туризмни ривожлантириш бўйича Давлат дастури қабул қилинди. Аммо, бизнингча бу соҳа бўйича мавжуд салоҳиятдан етарлича фойдаланилмапти. Чунки унинг ривожланиш тенденцияси, туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш йўллари, уни ташкил қилиш, бошқаришни такомиллаштириш, рақобатбардошлигини баҳолаш каби масалалари назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганилган эмас.

Бозор муносабатлари шароитида, туризм соҳасида ҳам эркин рақобат ҳукм суради. Бу соҳанинг рақобатбардошлигига нафақат ички, балки кўп ҳолларда ташқи омиллар ҳам етарли даражада таъсир қилади. Шу туфайли, ушбу соҳанинг рақобатбардошлигига баҳо беришда, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишда ички омиллар билан бирга ташқи омилларни ҳам инобатга олиш лозим.

Туризм соҳасида рақобатбардошликни аниқлаш учун икки жиҳатдан ёндашмоқ лозим. Биринчидан, ушбу соҳа ўзига фойда келтиришни таъминласа, иккинчидан, у давлатга ҳам фойдали бўлиши лозим. Шу икки жиҳатга эришилса, табиийки, у аҳолига ҳам, айниқса уларни иш билан таъминлаш орқали даромадларини кўпайтиришга ҳам хизмат қилади. Агар ушбу талабдан келиб чиқадиган бўлсак, туризм соҳасида рақобатбардошликни ифодалаш учун кўйидаги уч гуруҳдан иборат кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- туризм соҳасининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- туристик фирмалар рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- туристик хизматлар рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

Мазкур, бўлимда фақат туризм соҳасининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига тўхталамиз. Таҳлил жараёнида, ушбу кўрсаткичлар тизимининг ҳар бирини аниқлаб, уларнинг ахборот таъминотини аниқ белгилаб, ўзгаришларига тегишли хулосалар бериш лозимдир. Бу кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

Туристик даромадларнинг рақобатбардошлиги:

Туристик фирмаларнинг харажатлари рентабеллиги: (%)

$$P_x = \frac{\Phi_c}{X_b} \cdot 100$$

Бунда: Φ_c – соф фойда,

X_b – барча харажатлар миқдори.

Туристик фирмаларнинг даромадлилиги (Дт)

$$D_T = \frac{D_y}{X_b} \cdot 100$$

Бунда: D_y – туризм соҳасининг ялпи даромади.

Туризм соҳасидан давлатнинг фойда қилиши орқали унинг фаолиятидан манфаатдорлиги:

Туризм соҳасидан тушадиган солиқлар ва бошқа тушумларнинг ўзгариш суръати.

$$C_{yc} = \frac{COЛ_{xй}}{COЛ_{yй}} \cdot 100$$

Бунда: $COЛ_{xй}$ – солиқ ва бошқа тушумларнинг ҳисобот йилидаги миқдори;

$COЛ_{yй}$ – солиқ ва бошқа тушумларнинг ўтган

йилдаги миқдори;

Уларнинг давлат (маҳаллий) бюджетдаги улуши:

$$C_{ул} = \frac{СОЛ_{хй}}{Б_M} \cdot 100$$

Бунда: B_M – бюджетнинг умумий миқдори.

Туризмнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши:

$$T_{M_{ул}} = \frac{T_M}{ЯИМ} \cdot 100$$

Бунда: T_M – туризмнинг ялпи маҳсулоти;

$ЯИМ$ – ялпи ички маҳсулот;

Хорижий валюта тушумининг ўзгариш суръати

$$X_B = \frac{X_{в_x}}{X_{в_{уй}}} \cdot 100$$

бунда: $X_{в_x}$ – хорижий валюталарнинг ҳақиқий миқдори

$X_{в_{уй}}$ – хорижий мамлакатларнинг ўтган йилдаги миқдори.

Туризм соҳасидан аҳолининг оладиган фойдаси:

Аҳолининг иш билан бандлиги даражаси:

$$A_{БД} = \frac{T_{ХС}}{И_{КХС}} \cdot 100$$

бунда: $T_{ХС}$ – туризм соҳасида банд бўлган ходимлар сони;

$И_{КХС}$ – иш қобилиятига эга ходимлар сони.

Туризм соҳасидан олинадиган даромаднинг аҳоли жон бошига тўғри келиши:

$$D_{\text{АЖБ}} = \frac{TД}{А}$$

бунда: ТД – туризм соҳасидан аҳолига тегишли даромадлар миқдори;
А – аҳолининг ўртача йиллик сони.

Таҳлил жараёнида ҳар бир кўрсаткич бўйича унинг мутлақ ва нисбий фарқи топилади. Уларнинг ўзгариш тенденциясини аниқлаш учун динамикаси ҳам таҳлил қилинади. Таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири ўрганилаётган кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблашдан иборатдир. Бу омилли таҳлил мазкур кўрсаткични яхшилаш бўйича ички имкониятларни ахтариб топиш ва таъсирчан қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Таҳлилнинг яна муҳим вазифаларидан бири рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан ягона комплекс кўрсаткични аниқлаб, таҳлил қилинаётган субъектлар бўйича рейтингини аниқлашдан ҳам иборатдир. Бу учун кўрсаткичлар тизими асосида ягона комплекс кўрсаткични аниқлаш усулларидан фойдаланиш йўли билан туризм соҳасида рақобатбардошлик бўйича уларнинг рейтингини аниқлаш мумкин. Бундай усуллар, иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилганлиги туфайли бу масалага тўхталмадик ва фақат туризм соҳасининг рақобатбардошлигини кўриб чиқдик¹⁴.

3.2. Ўзбекистонда туристик маҳсулотни сифатини оширишни такмиллаштириш ва самарадорлигини ошириш истиқболлари

Ўзбекистонда замонавий туризм саноатини ривожлантиришда ҳали ҳам овқатланиш билан боғлиқ масалалар муаммолигича қолмоқда. Масалан,

¹⁴ Сенин В.С., Денисенко А.В Гостиничный бизнес: классификация гостиниц и других средств размещения: Учебное пособие. – М.: ФиС, 2004. 17-20 бетлар.

Европаликлар стандарт усулларда тайёрланган оддий ва хуштаъм таомларни маъқул кўрадилар. Бунинг учун эса, хорижий мамлакатлардаги меҳмонхона комплексларида фойдаланиладиган махсус асбоб-ускуналар ва тегишли таом технологияларини ўрнатиш зарур. Мамлакатимиздаги маҳаллий меҳмонхоналар 20-25 га яқин таомларни таклиф қилиши мумкин. Бироқ, Ғарбий андозалар бўйича фаолият кўрсатаётган туристик комплекслар 200 га яқин таомларни таклиф қилиш имкониятига эга. Бу муаммони ҳал этилишининг бирдан-бир йўли шахсий ресторанлар ва кафелар сонини ошириш ва улардаги хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этишдир. Ўзбекистонга хорижий давлатлардан ташриф буюрган туристлар билан мулоқот қилинганда, уларнинг 25 фоизи овқатланиш хизматларидан қаноатланганликларини билдиришди, 41 фоизи эса таомлар сифатига баҳо беришни ўзларига маъқул топишмади. Бундай муаммони ҳал этиш учун хорижий туристларга хизмат кўрсатадиган умумий овқатланиш объектларини сертификатлаш ва назорат қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Маълумки, туристларга қисқа вақт ичида белгиланган жойга етиб бориш зарур ҳисобланади. “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг автобус парки шунингдек, бир қатор кичик шахсий компаниялар тегишли транспорт воситаларига эга. Йилдан йилга Тошкент вилоятида сайёҳлик инфратузилмаси ривожланиб бормога. Бу борада асосий омиллардан бири “2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўрисида”ги қарори муҳим омил бўлаётир. Вилоятда янги сайёҳлик йўналишларни очиш, меҳмонларни тарихий обидалар, миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъати намуналари билан таништириш учун қулай шарт-шароит яратиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Қарор ижроси доирасида вилоят сайёҳлик салоҳиятини амалга ошириш бўйича 53 та лойихалар ва 100 дан ортиқ тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилганди. Шунингдек, ушбу дастур доирасида аҳолининг 15 та тарихий-маданий объектларини яхшилаш бўйича

ишлар олиб борилди, жумладан Ангрен шаҳридаги “Гумбоз бобо”, Оққўрғондаги “Шохрухия”, Қанса” археологик ёдгорликлари, Ўрта чирчиқдаги “Киндиктепа”, Бекабоддаги “Қизил-мозор” мақбараси, Пскент туманидаги “Боғизағон”, “Сармзор” ёдгорликларида ишлар олиб борилди. “Занги-ота” ва “Шодмалик-ота” мажмуаларидаги капитал таъмирлаш ишлари тугатилди ва шунга мувофиқ ушбу ҳудудларда ободончилик ишлари олиб борилмода. “Қирқ-қиз” тарихий-маданий объектларида ишлари тугатилиш арафасида. Хўжакент темир йўл имкониятларини рекреацион ҳудудларга кенгайтириш имкониятлари устида ишлар давом эттирилмоқда. Поезд йўлларини ва тротуарларни кенгайтириш бўйича янги объектларни қуриш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Лойиҳа доирасида, вилоятнинг туризм соҳасини ривожлантиришда 253 та энгил автомобиллар ва 200 га яқин автобуслар киритилди. Автопаркларни қайта таъмирлаш ишлари тезкорлик билан амалга оширилмода. ҳукумат қарорлари доирасида Бекабод шаҳрида янги меҳмонхоналар, кемпинглар қурилмода. Ушбу жараёнларни айниқса Хўжакент, янгиовул ва Юсуфхона қишлоқларида амалга оширилмода. “Оқтош”, “Ботаника” санаторияларининг қайта қурилиши тугатилди. Ўртачирчиқ туманидаги “Голден фиш ресорт” и “Меҳржон” дам олиш ҳудудларини қайта қуриш ишлари тугатилиб, Чирчиқ шаҳри янги тус олди. Қушқурғон қишлоқида “Адвен капитал трейд” МСЖ дам олиш бўйича барча шароитлар яратилган бир қанча коттежлар қуриб топширилди. Чорвоқ, Чимён, Бурчмулла қишлоқларида юзага келган жамоатчилик овқатланиш жойлари юзага келди. Зангиота туманидаги Чоштепа қишлоғи “Жавлон терминал гуруҳи” МСЖ жамоатчилик овқатланиш объектлари қурилди ва махсус сақлаш камералари ва автостоянкалар юзага келтирилди. Бир сўз билан айтганда вилоятда инфратузилмани ривожлантириш жадаллик билан олиб борилди. Ҳудудда бир нечта йўналишлар бўйича янги маршрутларни ташкил этиш хануз давом этмода: тарихий, экологик, спорт-соғломлаштириш, агротуризм ва саноат йўналишлари энг оммабоп ҳисобланади. Тошкент вилоятининг сайёлик

салоҳияти ҳақида гап кетар экан, биринчи навбатда Паркент туманидаги мааллий вино дегустациясини тилга олмасдан иложимиз йўқ, зеро айнан машҳур Паркент виноси нафқат сайёҳларни ушбу худудга, балки вино соҳасида фаолият олиб боровчи ташкилот ва муассасаларни ҳам жалб қилмода¹⁵. Туристларнинг аксарияти эса, чекланган имкониятлар билан шаҳар ва шаҳарлараро транспортлардан фойдаланишга мажбур бўлишган. Кўришиб турганидек, бу борада ҳам хусусий туристик корхоналарга катта эҳтиёж сезилмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кичик ва хусусий туристик фирмалар туризм хизматлари бозорини жадал суръатларда ва сифатли ривожланиши учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига мос туризм инфратузилмаси энди ривожланаётганлиги боис хусусий туристик фирмаларнинг деярли барчаси кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Хорижий мутахассисларнинг баҳолашларига кўра, Ўзбекистонда ҳукм сураётган осойишталик, юртимизнинг осори атиқалари, қадимий маданий ёдгорликлари ва гўзал табиати мамлакатга ҳар йили 2-2.5 млн.гача бўлган туристларни ташриф буюриши учун имкон яратади. Бунинг учун бундай катта ҳажмдаги туристлар оқимини қабул қилиш имкониятига эга бўлган хусусий мулк шаклидаги отеллар, кемпинглар, меҳмонхоналар, туристик базалар тизими ва бошқа шу кабиларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг халқаро бозорга киришини жадаллаштириш учун туристик ташкилотларнинг халқаро фаолиятини кенгайтириш зарур. Халқаро миқёсдаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг устивор йўналишлари қуйидагилардан иборат¹⁶:

-Хорижий туристларни жўнатишга кўмаклашадиган бутун жаҳон (10 дан ортиқ ташкилот) ва халқаро (40 дан ортиқ) ташкилотларга аъзо бўлиш;

¹⁵ “Ўзбектуризм” МКСИ маълумотларидан.

¹⁶ “Ўзбектуризм” МКСИ маълумоти.

-Ўзбекистонга туристларни жўнатиш ва турмахсулотни эълон (реклама) қилиш мақсадида туризм ваколатхоналари тизимини кенгайтириш;

-Республикамиздаги асосий шаҳарлар – Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона бўйлаб, эркин иқтисодий зона ташкил этиш, туристларнинг бир ҳафтага ҳеч қандай таклифномаларсиз, тўлов ва божсиз бу шаҳарларда юришларини таъминлаш;

-МДХ давлатлари, йирик ташкилотлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаат асосида маҳаллий бўлиқлар (филиаллар) ташкил этиш;

-Интурист бўлими, қўшни давлат турфирмасининг филиали ва шу кабилар;

-Туристларни суғурта қилиш хорижий тизимини оммавийлаштириш, уларнинг саломатлигини сақлаш бўйича касалликнинг олдини олиш (профилактика) чоратadbирлар қўллаш ва санитар нормалар ўрнатиш;

-Туристлик муаммолар (виза, валюта, божхона)нинг ҳал қилинишини осонлаштириш;

-Ҳамкор ахтариш бўйича махсус фирмалар ташкил этиш ва шартномалар тўзиш;

-Давлатлараро миқёсда туризм соҳасидаги мутахассисларни жалб қилиш бўйича шартномалар тўзиш ва МДХ давлатлари туристик ташкилотларига аъзо бўлиш;

-Элчихоналар, Ташқи Ишлар вазирлиги, “Ўзбекистон ҳаво йўллари”, “Ўзбекистон темир йўллари”, “Ўзбекистон автомобиллари” ва бошқалар билан ҳамкорликда туристлар гавжум бозорларда маълумот тарқатиш ва маркетинг Битирув малакавий ишиларини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичларига кўра, туризм транспорт ташкилотларидан ортда қолмоқда. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” дунёнинг 40 дан ортиқ шаҳрида туристларни жалб қилувчи ўз ваколатхоналарини очди. Туризм бўйича энди 10 мамлакатда ваколатхона очилган, фақат 10та хорижий туристик фирма Ўзбекистонда фаолият кўрсатмоқда. Албатта, уларнинг сонини ошириш зарур.

Замонавий туризм бозорида қуйидаги устивор йўналишлари мавжуд;

- Йирик халқаро туристик ташкилотларнинг Ўзбекистонда меҳмонхоналар қуриши;
- Ўзбекистонда туроператорлар уюшмасини ташкил этиш;
- Ҳукуматлараро тўғридан-тўғри битимлар ҳамда ривожланган туристик мамлакатлар, Марказий Осиё давлатлари ва дунёдаги йирик фирмалар билан ҳамкорлик шартномасини тўзиш;
- Жойларни банд қилиб қўйиш (брон қилиш) бўйича жаҳон тизимига қўшилиш ва жаҳон туристик ташкилотларига аъзо бўлиш;
- Хорижий ўлкаларда республика бўлимлари ва ваколатхоналарини очиш.

Ўзбекистонда замонавий туризм ривожланиши қуйидаги сабабларга боғлиқ: Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти, Марказий Осиёдаги 29555,4 минг аҳоли яшайдиган йирик республикалардан бири, иқтисодий ва сиёсий муносабатларда очик, чет давлатларнинг ишбилармонлари ва ҳукуматини кун сайин ўзига жалб қилиб келмоқда;

Ғарбий туристларнинг оқими ҳали аниқ эмас, лекин шуни эслатиб ўтиш мумкинки, Бутунжаҳон Туристик Ташкилотининг (ВТО) маълумотига кўра, инфратузилма ва маиший хизматнинг маълум ноқулайликлари билан чиқишадиган 2 миллионга яқин турист Ўзбекистонга келишни хоҳлайди.

Хорижий туризмнинг муваффақиятли ривожини учун қуйидагилар зарур:

- Янги моддий-техника базасини яратиш;
- Маданий ва спорт-соғломлаштириш марказларини қуриш;
- Жаҳон андозасидаги кичик ва ўрта меҳмонхоналарни, мотел ва кепинглар тизимини тузиш;
- Хизмат кўрсатиш турини ва сифатини ошириш;
- Туризм инфратузилмаси ривожига хорижий сармояни жалб қилиш;
- Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, маданий меросни авайлаб-асраш, уларни реклама қилиш билан шуғулланиш;

-Туризм соҳасидаги ходимлар малакасини ошириш, қайта тайёрлашни йўлга қўйиш;

-Ўзбекистоннинг жаҳон туристик жамиятига қўшилувчи ва йирик туристик потенциал тарғиботи;

-“Буюк Ипак Йўли” лойиҳасини ривожлантириш.

Қуйида келтирилган 2- жадвалда Ўзбекистон туризмнинг афзаллиги ва муаммолари ўз аксини топган.

2-жадвал.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг муҳим омиллари.

Мезон	Афзалликлар	Ноқулайликлар
Географик жойлашиш	Ўрта Осиё Маркази	Денгизга тўғридан –тўғри чиқиб бўлмайди
Сиёсий аҳвол	Барқарорлик	Қўшни Тожикистон ва Афғонистондаги беқарорлик
Иқтисодий ҳолат	Иқтисодиёт тизимининг қайта қурилиши	
Ижтимоий аҳвол	Аҳолидаги меҳмондўстлик, одамшинавандалик	
Жойлашиш воситалари (хона ва хизматлар)	Замонавий янги меҳмонхоналар очилган ва меҳмонларга хизмат кўрستمқда	Меҳмонхоналарда кичик ходимлар масаласи йўлга қўйилмаган
Ресторанлар	Спиртли ичимликлар истеъмол қилишга қаршилик йўқ	Етарли даражадаги импорт маҳсулотларнинг йўқлиги
Инфратузилмаси	Тўғридан-тўғри чартер	Умумий даража юқори

	рейслар мавжуд	эмас
Диққатга сазовор жойларнинг инфратузилмаси	Қониқарли	Уларнинг аҳволига эътибор етарли даражада эмас
Тарихий жойлар	Самарқанд, Бухоро, Хива, Буюк Ипак йўлида жойлашган бошқа шаҳарлар	Қайта таъмирлаш ва тиклаш зарур
Халқ амалий ижодиёти	Бебаҳо нарсалар (шоҳ асарлар) ҳайкалтарошлик – бадиий манзара услублар	Сувенир сотиладиган дўконларнинг камлиги
Иқлим шароитлари	Туризм билан йил бўйи шуғулланиш имконияти	Қуруқ, иссиқ ёз
Табиат	Тоғлар, чўллар, кенгликлар	Денгизларнинг йўқлиги
Спорт ўйинлари	Теннис кортлари, гольф майдонлари, футбол майдонлари, тоғ чанғиларида учиб учун мўлжалланган жойлар	Жиддий ривожлантириш зарур

Манба: “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси маълумотларидан.

Ўзбекистонда туристларни ўзига жалб этадиган махсус тематик турлар ташкил этиш учун ҳамма имконият мавжуд. Масалан:

- дин тарихи ва ривожланиши;
- меъморчилик ва шаҳар қурилиши санъати;
- асосий қазилмалар бўйлаб археологик саёҳатлар;
- республика флора ва фаунаси;
- Ўзбекистон халқларининг анъана ва урф-одатлари;
- Ўзбекистон халқларининг амалий санъати.

Чет эллик сайёҳатчиларни Ўзбекистонга қизиқиши ортишини ҳисобига олган ҳолда, замонавий туризм хизматларини гуруҳлар, делегация ва ишбилармонлар келиши, конференция ва йиғилишлар ўтказиш дастурини тузишга жалб қилиш керак бўлади. Бу турдаги сайёҳатчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун шаҳар ташқариси бўйлаб кичик маршрутлар уюштириш, маданий-тарихий мерос билан таништириш ва шу йўл билан уларнинг ҳам хордик, ҳам завқ олишларига эришиш керак¹⁷.

Маълумки, талаб ва таклиф омиллари бозор муносабатлари шароитида хусусий мулкчилик муносабатларини ҳар жиҳатдан ривожланишини белгилаб берувчи асосий таянч ҳисобланишади. Ҳар қандай мамлакатдаги туристик хизматлар бозорида хусусий туристик фирмалар мавжуд талаб ва эҳтиёжларни атрофлича ҳисобга олмай туриб, ўз хизматлари таклифини кутилганидек амалга ошириша олмайди. Кўришиб турганидек, хусусий туристик фирмалар бозордаги талаб ва таклиф омилларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилганда, уларнинг Республикамиз замонавий туризм иқтисодиётига ижобий таъсири бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, биз хусусий туристик фирмаларнинг туризм иқтисодиётини ривожлантиришда тўтган ўрни тўғрисида тўхталиб ўтишдан олдин талаб ва таклиф омиллари хусусида айрим фикр ва мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз.

Талаб омиллари ўзида асосан халқаро (худудий) ва миллий (миллий) туристик бозорларни намоён этади. Бундай бозорларда чет эллик сайёҳлар билан биргаликда маҳаллий аҳоли ҳам туристик диққатга сазоворликлар, объектлар ва туристик хизматлардан кенг миқёсда фойдаланишади. Таклиф омиллари бўлса ўз ичига чет эллик сайёҳларни жалб этиши мумкин бўлган туристик диққатга сазоворликлар ва турли хил фаолият турлари (миллий хунармандчилик, мусиқа ва маҳаллий халқ урф-одатлари маросимлари),

¹⁷Уокер Дж. Введение в гостепримство: Учебник / пер. с англ. М.: ЮНИТИ, 2009., 355с.

мамлакатга ташриф буюрган сайёҳларни жойлаштириш воситалари, шунингдек бошқа туристик объектлар ва хизматлар кабиларни олади. Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, туризм соҳасидаги эксперт мутахассисларнинг таъкидлашларича диққатга сазоворликлар деганда тематик хиёбонлар, ҳайвонот боғлари, ботаник боғлар ва аквариумлар каби табиий, маданий ва махсус объектлар, шунингдек ушбу объектлар билан боғлиқ бўлган барча фаолият турлари тушунилади. Халқаро туризм ташкилоти (ХТТ) таснифига мувофиқ равишда ташриф буюрган сайёҳларни жойлаштириш воситаларига турли хил шаклдаги меҳмонхоналар, мотеллар, меҳмонхона типидagi уйлар, шахсий хонадонлар ва бошқа турдаги туристлар тўхтайдиган объектлар тегишли бўлади.

Умуман олганда барча туристик хизматлар ва объектлардан самарали фойдаланиш учун замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган замонавий туризм инфратузилмасини шакллантириш талаб этилади. Бундай инфратузилма ўз ичига транспорт (ҳаво транспорти, автомобил йўллари транспорти, темир йўл транспорти, сув транспорти ва бошқалар) хизматини, сув ва электротаъминот, канализация ва телекоммуникация каби соҳаларни қамраб олиши керак. Ҳозирги кунга келиб, дунёдаги кўплаб мамлакатлар ўзларининг замонавий туризмни ривожлантириш бўйича стратегияларида санитар-экологик омилга ҳам инфратузилма ривожини таъминловчи омил сифатида баҳо беришмоқда. Чунки, Замонавий туризмни атроф-муҳитнинг муҳофазаланиши ва экологик тозаликсиз тасаввур этиш қийин. Ана шундай жиҳатларга эга инфратузилманинг жаҳон андозаларига мос равишда ривожланиши, яъни туристларга имкон қадар сифатли хизмат кўрсатишнинг ташкил этилиши ҳар жиҳатдан хусусий фирмаларнинг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ бўлади. Эксперт мутахассисларнинг баҳолашларича барча талаб ва таклиф омиллари туристик маҳсулотни шакллантиради. 6-жадвалдан кўриниб турганидек, халқаро туризм талаби, яъни Ўзбекистон бўйича саёҳат қилувчи чет

эллик сайёҳларнинг талаби умумий туристик маҳсулотнинг бешдан бир қисмини ташкил этса, замонавий талаб, яъни мамлакатимиз бўйича саёҳат қилувчи маҳаллий туристлар учдан бир қисмидан кўпроғини ташкил этади¹⁸. Туристлик маҳсулотнинг қолган қисми турли хил диққатга сазоворликлар ва туризм объектлари жойлашган ҳудудларда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли томонидан истеъмол қилинади. Кўришиб турганидек, мамлакатимиз туризми чет эллик сайёҳларнинг эҳтиёжларини қондиришга қараганда маҳаллий иқтисодиётнинг замонавий эҳтиёжларини қондиришга нисбатан кўпроқ йўналтирилган.

3-жадвал

Ўзбекистон туризми ёки замонавий туристик маҳсулотнинг бозор тизими
(экспертлар баҳоси)

Талаб омиллари	Ўзбекистон бўйича тақсимланиши, %	Таклиф омиллари	Ўзбекистон бўйича тақсимланиши, %
Халқаро бозорлар	20	Диққатга сазоворликлар ва фаолият турлари. Жойлаштириш воситалари.	30 10
Замонавий бозорлар	35	Бошқа туристик объектлар ва хизматлар. Транспорт.	15 10

¹⁸Жадвалдаги маълумотлар “Устойчивое развитие туризма в Узбекистане” йиллик бюллетенидаги таҳлилий материаллардан олинди.

Маҳаллий аҳоли томонидан туристик диққатга сазоворликлар, объектлар ва хизматлардан фойдаланиш	45	Инфратузилманинг бошқа элементлари. Институционал элементлар.	15 20
Жами	100%	Жами	100%

Манба: Ўзбектуризм Миллий Компанияси маълумотларидан.

Таклиф омиллари хусусида тўхталиб ўтадиган бўлсак, туристик маҳсулотнинг учдан бир қисмини мамлакатимизга чет эллик ва маҳаллий туристларни жалб этадиган диққатга сазоворликлар ташкил этади. Мамлакатимиздаги тарихий обидалар, вилоятлардаги турли хил замонавий маданият сарчашмалари, табиий бойликларимиз ва бошқа шу кабилар шундай диққатга сазоворликларни намоён этиб туристларни мамлакатимизга кизиқтирувчи асосий мотивацион омил сифатида эътироф этилади. Мамлакатимизга ташриф буюрган сайёҳларни жойлаштириш воситалари, транспорт хизмати ҳамда туризм инфратузилмасининг бошқа туристик объектлари ва элементлари ўзбек туристик маҳсулотигадаги барча таклиф омилларнинг иккидан бир қисмини ташкил этади. Умуман олганда, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек хусусий туристик фирмалар туризм бозоридаги талаб ва таклифни атрофлича таҳлил этиш орқали самарали фаолият кўрсатса, бу ҳолат ўз навбатида мамлакатимиз замонавий туризм инфратузилмасининг замон талаблари даражасига мос равишда ривожланишига ва туризм хизматлари бозорини кенгайтишига олиб келади. Дунё туризм саноатида талаб ва таклиф омилларининг таҳлил қилинишида ҳам айнан мана шундай таснифлардан фойдаланилади.

Япония пойтахти Токио шаҳрида 12 сентябрь куни очилган “JATA Tourism Forum & Travel Showcase – 2013” халқаро сайёҳлик кўргазмасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти кенг намойиш этилди. Ўзбекистон сайёҳлик ва тарихий жойлар сони бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Мамлакатимизда сайёҳларнинг қизиқиш ва талабларига жавоб берадиган шарт-шароит яратилиб, саёҳат йўналишлари тобора кенгаймоқда. Жумладан, мамлакатимизда тарихий-меъморий, сафари, рафтинг, экотуризм, археологик, фольклор-этнографик, агротуризм, спорт-соғломлаштириш, маданий-маърифий сайёҳлик турлари изчил ривожланмоқда. “Ўзбектуризм” миллий компанияси мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини жаҳонга кенг танитиш мақсадида қатор халқаро компаниялар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Дунё миқёсидаги кўргазма ва ярмаркаларда фаол иштирок этмоқда. Японияда ўтказилаётган сайёҳлик кўргазмаси Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини тўла намойиш этиш учун яна бир қулай имкониятдир. “JATA Tourism Forum & Travel Showcase” дунёдаги нуфузли халқаро кўргазмалардан ҳисобланади. 1977 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу халқаро сайёҳлик форумида бу йил 150 дан ортиқ мамлакатдан мингдан зиёд сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этмоқда. Мазкур тадбир сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Унда бизнес, экзотика, экологик, спорт ва маърифий саёҳат, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, соғломлаштириш каби йўналишларга оид ўнлаб турдаги бўлимлар иш олиб бораётир. Кўргазмада Ўзбекистон миллий стенди ўзининг бетакрор дизайни билан иштирокчилар ва мутахассислар эътиборини тортмоқда. Мамлакатимизнинг гўзал масканлари ва тарихий обидалари тасвирланган, миллий матолар ва атрибутлар билан безатилган стенд юртимиз ҳақида ёрқин тасаввур уйғотади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Нукус, Андижон каби шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари ҳақидаги маълумотлар ва суратларни ўз ичига олган

альбомлар, буклет ва нашрлар ярмарка иштирокчилари эътиборига ҳавола этилган. ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари кўргазма қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда. “JATA Tourism Forum & Travel Showcase – 2013” халқаро сайёҳлик кўргазмасида “Ўзбектуризм”, “Ўзбекистон ҳаво йўллари”, “Ўзбекистон темир йўллари” компаниялари каби ташкилотлар иштирок этдилар¹⁹.

3-БОБ бўйича хулоса

Ўзбекистонда замонавий туризм саноатини ривожлантиришда ҳали ҳам овқатланиш билан боғлиқ масалалар муаммолигича қолмоқда. Масалан, Европаликлар стандарт усулларда тайёрланган оддий ва хуштаъм таомларни маъқул кўрадилар. Бунинг учун эса, хорижий мамлакатлардаги меҳмонхона комплексларида фойдаланиладиган махсус асбоб-ускуналар ва тегишли таом технологияларини ўрнатиш зарур. Мамлакатимиздаги маҳаллий меҳмонхоналар 20-25 га яқин таомларни таклиф қилиши мумкин. Бироқ, Ғарбий андозалар бўйича фаолият кўрсатаётган туристик комплекслар 200 га яқин таомларни таклиф қилиш имкониятига эга. Бу муаммони ҳал этилишининг бирдан-бир йўли шахсий ресторанлар ва кафелар сонини ошириш ва улардаги хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этишдир. Бундай муаммони ҳал этиш учун хорижий туристларга хизмат кўрсатадиган умумий овқатланиш объектларини сертификатлаш ва назорат қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Маълумки, туристларга қисқа вақт ичида белгиланган жойга етиб бориш зарур ҳисобланади. “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг автобус парки шунингдек, бир қатор кичик шахсий компаниялар тегишли транспорт воситаларига эга. Йилдан йилга Тошкент вилоятида сайёҳлик

¹⁹ O'zA-ахборот агентлиги

инфратузилмаси ривожланиб бормоқда. Бу борада асосий омиллардан бири “2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўрисида”ги қарори муҳим омил бўлаётир.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизга ташриф буюрган сайёҳларни жойлаштириш воситалари, транспорт хизмати ҳамда туризм инфратузилмасининг бошқа туристик объектлари ва элементлари ўзбек туристик маҳсулотигадаги барча таклиф омилларнинг иккидан бир қисмини ташкил этади. Умуман олганда, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек хусусий туристик фирмалар туризм бозоридаги талаб ва таклифни атрофлича таҳлил этиш орқали самарали фаолият кўрсатса, бу ҳолат ўз навбатида мамлакатимиз замонавий туризм инфратузилмасининг замон талаблари даражасига мос равишда ривожланишига ва туризм хизматлари бозорини кенгайтишига олиб келади. Замонавий юқори тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» поезда қатнай бошлаганидан буён юртимизда чет эллик сайёҳлар сони сезиларли даражада кўпайди. Бухоро ва Қарши шаҳарларигача юқори тезликда ҳаракатланиш учун мўлжалланган темир йўл тармоқларини электрлаштириш ва қуриш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу эса туризм ривожини учун янги имкониятлар яратади.

Ўзбекистонда сўнгги 5 йилда умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларлик инвестициялар ҳисобидан узунлиги 2600 километр бўлган замонавий автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди, шунингдек, кемпинглар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш масканларини ўз ичига олган кўплаб йўлбўйи инфратузилма объектлари барпо этилди. Фақатгина жорий йилнинг ўзида халқаро туризмнинг асосий тузилмасини ривожлантириш учун жами инвестицияларнинг 580 миллион доллардан ортиғи йўналтирилди ва бу

борадаги ўсиш ўтган йилга нисбатан 19 фоиздан зиёдни ташкил этди²⁰. Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, мамлакатимиз ҳудудида шаклланган ва ривожланган энг қадимий цивилизация ва маданиятлар, қоятошлардаги ёзувлар ва иероглифларни, ноёб тарихий обидалар, моддий маданият ва меъморликнинг улуғвор ҳамда бетакрор намуналарини назарда тутамиз. Айти пайтда уларни Япония, Франция, Германия ва бошқа давлатларнинг кўплаб олим ва мутахассислари ўрганмоқда. Шу билан бирга, ўзининг жозибаси ва таровати билан дунёдаги энг яхши дам олиш ва саёҳат масканларидан қолишмайдиган гўзал табиатимизнинг бойлиги ва хилма-хиллигини ҳам бу борадаги энг катта имкониятларимиз қаторида кўрамиз. Буларнинг барчаси мамлакатимизни жаҳон туризми марказларидан бирига айлантириши мумкин ва зарур. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли даврлар ва цивилизацияларга оид 7 мингдан ортиқ ёдгорликлар бор. Мамлакатимизда юксак сифати ва эстетик жозибаси, қадимги санъат анъаналарини ўзида сақлаб келаётгани билан ажралиб турадиган миллий хунармандликни қайта тиклаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаш мумкин. Ўзбекистонда миллий хунармандлик соҳаси солиқлардан тўлиқ озод этилганини алоҳида қайд этишни истардим. Хунарманд усталаримизнинг неча асрлик тажрибасидан юртимиздан ташқарида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ўзбекистондаги меъморий ёдгорликларнинг ўрта асрларга хос нақш ва безаклари Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида янги иншоотларни қуришда намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Кулолларимизнинг маҳоратини Франция, Германия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар мутахассислари ўрганмоқда. Ўзбекистон

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи

Париж, Лондон, Берлин, Рим, Токио, Мадрид ва дунёнинг бошқа шаҳарларида ўтказилаётган йирик сайёҳлик кўргазмаларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Жорий йилда йигирманчи бор ўтказиладиган ва сайёҳлик бизнеси соҳасида мулоқот қилиш учун кенг имконият яратадиган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасига дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатидан 12 мингдан ортиқ киши келиши кутилмоқда. Биз Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан самарали ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз ва ушбу алоқаларни янада мустаҳкамлаш, қўшма дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга ишонамиз. Бу ўринда гап Ўзбекистоннинг сайёҳлик нуфузи ва салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, интернет орқали унинг жозибадорлигини ошириш, бунда Фарғона водийсининг ҳали ўрганилмаган сўлим ва гўзал гўшалари, Тошкент ва Жиззах вилоятларининг тоғ ёнбағридаги экологик тоза масканларидан фойдаланган ҳолда, «Буюк Ипак йўли» брендини кенг жорий этиш ҳақида бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.:Ўзбекистон. 2003 йил. - 36б.

2.Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисидаги” қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т.22.-Т.: Адолат, 2000.б.131-140.

II.Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари

3.И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикасини 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси– Т.: Халқ сўзи, 16 январ 2015 й.

4.И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси– Т.: Халқ сўзи, 18 январ 2014 й.

5. “2012 йил ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Президент И.А.Каримовнинг. 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган енг муҳим устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. №14(5414). 20.01.2012 йил.

6. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2010 йилгача бўлган давлат дастури Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 15.04.2000 йилдаги ПФ-№2286 фармони. “Халқ сўзи”, №74 16 апрель 1бет.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги 1162 рақамли “Буюк Ипак йўли” ини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада, Халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора – тадбирлар тўғрисидаги” Фармони. Халқ сўзи, 1995 й. 3-июнь.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбектуризм” МКсининг ташкил топиши” тўғрисидаги фармони № ПФ-447 27 июля 1992 йил. //Халқ сўзи.1992. 27 июль.

10. “2012 йил ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Президент И.А.Каримовнинг. 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган енг муҳим устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. №14(5414). 20.01.2012 йил.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг БМТ жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №346 8 августда қабул қилинган “Туристлик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш” тўғрисидаги фармойиши. - Халқ сўзи 9-август 1998 й

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

12. Каримов И. “Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим”. Халқ сўзи, 2006 й. 11 - февраль.

13. Каримов И. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2005 йил 7 декабрда сўзлаган маърузаси.

14. Каримов И. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” – Т.: Ўзбекистон, 2005 -92 б.

15. Каримов И. “Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли” Тошкент Ўзбекистон 2003 й -318б.

V. Дарсликлар.

16. Алиева М.Т., Умаржанов А. “Туристлик мамлакатлар иқтисодиёти”. Дарслик. Т: «Молия» 2005.-339 б.

17. Алиева М.Т., Салимова Б.Х.. «Меҳмонхона менежменти» Дарслик Т: «Молия» 2005. -275б.

18. Кабушкин Н. И.. “Менеджмент туризма”, изд. “Новой знание” М: 2005.644б.

19. Биржаков М.Б, “Введение в Туризм” Учебник. – Издание 8-е, переработанное и дополненное. - СПб.: «Издательский дом Герда», 2006. – 512

20. Гуляев В.Г. «Правовое регулирование туристской деятельности». М.: Финансы и статистика, 2005.-304стр

21. Крылова Г.Д. “Основы стандартизации, сертификации, метрологии”

Учебник для вузов. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006. - 671с.

22. Лифиц И. М. “Стандартизация, метрология и сертификация” Учебник. – 6-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт-Издат, 2006. – 350 с. 336с.

23. Козырев В.М, Зорин И.В., Сурин А.И.и др. “Менеджмент туризма” Экономика туризма учебник (серия менеджмент туризма), (ГРИФ) М.: Финансы и статистика, 2004. -253б.

24. Метрология, стандартизация и сертификация: Учебник / Борисов Ю.И., Сигов А. С., Нефедов В. И., под ред. проф. Сигова А.С. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005.

25. Янкевич В.С. “Маркетинг в гостиничной индустрии и туризме” М.: Финансы и статистика, 2003. – 415 стр.

VI. Ўқув қўлланмалар

26. Ирматов М.М. Алиева М.Т. ва бошқалар Туризмни режалаштириш Тошкент, 2005 – 167 б.

27. Жукова. М.Ж., “Менежмент в туристском бизнесе” Учебная пособие М Финансы и статистика, 2005 – 288 стр.

28. Сенин В.С., Денисенко А.В. “Гостиничный бизнес: классификация гостиниц и других средств размещения” Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2006. - 144 с.

29. Дроздов А.В. “Основы экологического туризма” Учебное пособие. – М.: Гардарики, 2005. – 271 с.

30. Александров А.Ю. Международный туризм. Уч.пособие для вузов.- М.: Аспект Пресс, 2006.

31. Жукова М.А. “Менежмент в туристском бизнесе” Учебное пособие. М.: КНОРУС, 2006. - 192 с.

28. Экономика и организация туризма. Международный туризм /Е.Л. Драчева, Ю.В. Забаев, Д.К. Исмаев и др.; под ред.И.А.Рябовой, Ю.В. Забаева,

Е.Л. Драчева. - М.: КНОРУС, 2005. - 576 с.

29. Боголюбов В.С. «Экономика туризма» Учебное пособие. для студ. ВУЗов / Боголюбов В.С., Орловская В.П. - М.: «Академия», 2005 й - 192 с

VII. Интернет сайтлари.

[www. Uzbekturizm.uz](http://www.Uzbekturizm.uz). Официальный сайт НК “Узбектуризм”

О‘zА- ахборот агентлиги

www.peugeotufa.ru – цены на услуги делового туризма

www.bashepo.ru – выставки, конференции

www.interunion.ru – туристские ассоциации

www.wttc.org – Всемирный Совет по путешествиям и туризму

www.world-tourism.org – Всемирная туристская организация

www.tag-group.com – Консультативная группа по вопросам туризма (TAG)

www.e-tours.ru – деловые туры, выставки, конференции

www.travel-library.com – Электронная библиотека путешествий